



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 35 (4590) 2020-yil 11-sentabr

ТЕРАН ТОМИРЛАР

## АДИБЛАР ХИЁБОНИ — МАЪРИФАТИ БУСАТНОНИ

### ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

Ўзбекистон давлатчилигининг шавкатли тарихидек улуғвор

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳар соҳада қўлга киритилган улкан ютуқлари тўғрисида жажамиятида мустақам ўрин эгаллади. Мамлакат миллий мафқурасини унинг гербида акс этган ва давомли парвозлари билан юксак чўққиларни кўзлаётган ўша афсонавий қушга қиёс қилсак, унинг бир қанотида ўзбек тилининг куч-қудрати, иккинчи қанотида ўзбек халқининг шавкатли тарихи туради.

Шу боис Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ва «Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони долзарблиги билан улкан тарихий аҳамиятга эга.

Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги манфаатларига хизмат қиладиган маскур тарихий ҳужжатлар билан танишиш асосида ўзбек тилининг сир-синаоти ва ўзига хос томонларига доир ўз фикр-му-

лоҳазаларим, таассуротларим билан ўртоқлашиш истаги пайдо бўлди.

Бой халқ оғзаки ижоди, кўп асрлик мумтоз ёзма аъёналарга эга ўзбек, уйгур, озар ва турк тиллари туркий тиллар оиласида алоҳида ажралиб турлади. Улар ўз уйғунлигини сақлаб қолгани сабабли жанрандорлик касб этгани, хинд-европа тиллари билан узок алоқалари тўғрисида ўз ифода услубидаги ихчамлик билан фарқланиши мумкин. Бирок ҳар қандай тил учун энг муҳим ва халқ килувчи омил — луғат бойлиги ва лексик-семантик ранг-баранглик экан, бу жиҳати билан туркий тиллар орасида ўзбек тилининг олдида тушадигани йўқ.



КИТОБХОНЛИК

### КАРАНТИН ВА КИТОБЛАР

“Беҳуда сарфланган вақт умрга хиёнатдир” деганда мутафаккир Лев Толстой қанчалар ҳақ эди! Ўтган йилнинг охиридан бошлаб то шу кунга қадар бутун оламни ларзага солган “Covid-19” пандемияси тўғрисида давом этаётган карантинда, вақтдан унумли фойдаланишда энг тўғри йўللardan бири китоб ўқиш бўлди, назаримда. Бу қўлай, ҳам фойдали. Нашириёт соҳасида ишлаганим сабабли китоб жавонимга сара китобларни жамлаганим. Карантин бошланиб кўни-кўшини, қариндош-уруғ деганларидек, китоблар қўлма-қўл бўлиб кетди...

“Уйда қолинг”, “Уйда чикманг” деган даъватлар режада ўқилиши керак бўлган кўплаб асарлар мутолаасига имкон берди. Китоб ўқиб вақтдан унумли фойдаланиш учун эса баъзан яхши, ўқиниш китоб топишининг ўзи қийин масала бўлиб қолди. Тўғри, янги нашр этилаётган бадиий асарларга масофадан туриб буюртма бериш ишлари пойтахтда ва айрим вилоятлар марказларида бир мунча йўлга қўйилган. Аммо чекка туман ва кишлоқларда,

маҳаллаларда кутубхоналар ва китоб дўконлари йўқлиги ҳам аслида маърифат билан боғлиқ муаммолардан бири эканини англайдиган вақт келди, менингча. Лекин ҳалигача бу масалага етарлича аҳамият қаратилиб, муаммонинг ечими топилиб, дея олмаيمиз.

Бундан уч йил аввал, тўғрироғи, 2017 йил 13 сентябрда Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривож-

лантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинганди. Шундан сўнг барча ОАВларда китобларнинг бадиий савияси, сифати ва китобхонлик маданиятини шакллантириш ҳақида танқидий ва таҳлилий мавзуларда кўрсатув ҳамда мақолалар чика бошлади.

“Жаҳолатга қарши маърифат ва китобхонлик” мавзусига бағишланган “Муносабат” телекўрсатувидида корейс халқининг йигирма соатлаб китоб ўқиши, китобхонлик маданиятида бошқа кўпгина халқлардан ажралиб туриши алоҳида таъкидланди. (Чиндан ҳам, агар корейс фильмларида эътибор берсангиз, экрандаги ҳар бир хонадон бўладими ёки ишхонами, албатта, жавонларга териб қўйилган қатор-қатор китобларни кўришингиз мумкин.) Бу ҳам, аслида, бир ибрат, эзгу намуна.

Бир мактаб директори бошқалар қатори бугунги ёшларнинг китоб ўқимаётгани, катта авлоднинг жуда кўп китоб ўқигани ҳақида гапирди.

ИФТИХОР

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб, мамлакатимизнинг бундан 29 йил олдинги тарихи кўз ўнгимдан ўтди.

### ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Тўқсонинчи йилларнинг суронлари... иқтисодий таназзул, авж олиб кетган касалликлар, шип-шийдан бўлиб қолган озик-овқат дўконларидаги пештахталар... Умиди сўниб, она тилидан атайин узоклашиб бораётган халқ... алла айтишни унутган оналар. Пахта далаларида умри ўтиб, юсаеси оқармаган ўзбек халқи, унинг аёллари. Дунёга умид билан келган ёшларнинг кўзидаги мунг... Булар бари аччиқ тарих эди.

Бугун эса булар ўтмишда қолди. Ҳозирги истиқлол ёшларига бу хотиралар эртак бўлиб туолади тўғи. Чунки бугуннинг одами ва оламининг руҳи озод, фикрлаши хур, Ватани обод. Талабалик даврини эслаймиз. Ўрта мактабни битириб, ТошДУ — ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетига ўқишга ҳужжатларимни топширдим. Иمتихонларда яхши кўрсаткичларга эришимизга

карамай (битта мен эмас, албатта) бизлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан бўлганимиз учун қабул комиссиясига қақирилмадик ва тўплаган балимиз яхши бўлганлиги учун захирада қолдик. Ўшанда биз омадимиз чопмаганининг сабабини билмасдик. Адолатсиз таксимот кўнглимизни чўқтирган эди. Салкам икки йил давомида ижарада, стипендия олмай, йилнинг тўрт фаслида ички изтироб билан, кемтик дил билан ўқишга катнаб, ниҳоят талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдик.

Бугун бир ярим миллион ёш олий ўқув юртига кириш учун умид билан ҳужжат топширди. Ҳозир республикамизда кириш имтихонлари бошланиб кетди. Айтишга осон. Кўп йиллар таълим-тарбия масаласидаги оғир муаммолардан бири олий ўқув юртлирига қабул қиоаларининг чекланганлиги билан боғлиқ эди.

### БУТУН ИНСОН ҚИЁФАСИ

Коронавирус хуружи кучайиб, ҳамма уйда қамалиб ўтирган кунлари Япониянинг 297 қисмдан иборат “Ошин” номли сериали икки ярим ой давомида ойнаи жаҳонимизда қайта намоиши этилди. Биз, ёши улуглар сериалини анча илгари кўрган, ушанда ҳам у халқимизнинг диққатини ўзига тортган, барчага бирдек манзур бўлган эди.

Глобаллашув шаронтида сериалда кўрсатилган оддий япон аёлининг машаққатларга тўла ҳаёти, ҳар қандай зулм, жабр-жафоба карамай ор-номус ва виждони, инсоний қиёфасини сақлаб қолган, бизнесда ҳам фақат фойда эмас, балки инсоф-адолат билрамчи, деган ақидага қатъий амал қилган Ошин Танакура ҳаёти ўзбек томошабини қалбида хайрихолик ва эзгу туйғуларни уйғотиши тайиндир. Ошин сиймосида ХХ асрда дуч келган оғир кулфатларга карамай ўзининг чин инсоний қиёфасини сақлаб қолган БУТУН ИНСОННИ кўраимиз.

Сериалнинг мукамал чикишида, шубҳасиз, бош ролни уйнаган япон актрисаларининг маҳорати, жозибасига тасанно айтиш керак. Айниқса, 16 ва 45 ёшлардаги Ошинни ижро этган актриса ролни ниҳоятда табиий ва назокатли уйнаган. Унинг юз тузилиши, вазиятта боғлиқ равишда чехра-

сидаги нозик ўзгаришлар, қалб тебранлишлари гоётда таъсирчан чиккан.

Мен “Ошин” сериали тарихи билан эзичиқиб, мамлакатимиздаги Япония элчихонаси билан боғландим. Элчихонада кўп йиллардан бери Бехзод Гулметов элчи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди. Айтгандай, биз биргаликда Япониянинг юртимиздаги нават бўйича учинчи элчиси Кёко Накаяма хонимнинг элчилик пайтидаги воқеа ва кечинмалари ҳақидаги гўзал хотира китоби — “Ўзбекистон сақураси”ни таржима қилганимиз, унинг бири боби “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган. Насиб этса, уни китоб ҳолида тўлиқ нашр этмоқчимиз.

Хуллас, Бехзодга мақсадимни айтдим ва у элчихона мақсаҳатчиси, маланият ва ахборот бўйича масъул ходими Сула АЦУШИга илтмос қилиб, қуйидаги мақолани ёзириб берди.

Сувон МЕЛИ

Миртемир таваллудининг 110 йиллиги

### «КАЪБАМСАН, ШЕЪРИЯТ...»

Баъзан шундай бўладики, кимнидир тез-тез эслаб, унинг хотирасига ҳурматимизни ҳаддан зиёд ошириб-тошириб кўрсатиб юрмиз. Аммо шу ижодкорлардан анча олдин ёки улар билан сафдош бўлиб яшаган, шеърятимизнинг сайқалланиши, насримизнинг Европа гази билан ўлчанадиган насрга айланиши, драматургиямизнинг вояга етиб, қамол топишида катта хизмат қилган қалам аҳлини эслаи, улар хотираси олдидаги бурчимизни ўташ нима учундир ҳаёлимизга ҳам келмайди. Турли баҳонаи сабаблар билан ҳатто улар таваллудининг йирик саналарини ҳам лоқайдлик билан ўтказиб юборамиз.

Шундай адиблардан бири Миртемирдир. Сирасини айтганда, бу улуг шоир ҳаётлик чоғида ҳам ардоқда яшамаган. У ҳатто барқамол асарлари билан шеърятимизнинг янгилиниши ва камалак нурларидек товланишига катта хисса қўшган ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида ҳам бирор илтифот кўрмаган. Ёдимда бор, шоирнинг 1975 йили “Излаганим” шеърлар тўпламининг нашр этилиши адабий ҳаётда катта воқеа бўлган. “Қаъбамсан, шеърят, эзгу эҳромим, Орзу ҳам бол тўлиқ бебаҳо жомим...” мисралари билан бошланган тўпламдаги қарийб ҳар бир шеър шеърятнинг юксак намунаси эди. Биз, шоирнинг адабиётшуносу жиғарлари, тўпламини Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотида тавсия этиш таклифи билан чикмоқчи бўлдик. Миртемир ака кўнмади: “Беҳкорга овора бўласизлар. Аввал ўзлари шу мукофотни бир-бир олиб чикмагуналарига менга йўл бўлсин”, деди. Биз мукофотни олган ёзувчиларни санаб чикдик. Асосий “даъвогар”ларнинг барчаси мукофотланган бўлиб чикди. “Йўқ, — деди Миртемир ака, — барибир беришмайди. Иккинчи мартадан олишадил”. Ундаги бундай ишонч асоссиз эмас эди. Адабиётимизнинг бошқа оқсоқоллари қатори, З.Фатхуллин, Н.Сафаров, М.Шеввердин ҳам 50, 60 ёшга тўлишлари муносабати билан “Халқ ёзувчиси” унвони билан тақдирланганлари ҳолда Миртемирнинг чинакам халқ ёзувчиси экани расмий доираларда эътироф этилмаган эди. Ҳатто таваллудининг қайсидир йирик сана-



си муносабати билан қўшни республика раҳбарияти уни “Қирғизистон халқ шоири” унвони билан тақдирламоқчи бўлганида, бу масалани Марказкомда босди-босди қилиб қўйишди.

Кунларнинг бирида республиканинг ўша йиллардаги раҳбари Миртемир акани чакирди ва унинг сўнги йилларда ёзган шеърларини ўқиб, гоёт мамнун бўлаётганини, унинг машхур совет шоирлари даражасига кўтарилганини айтиб, кўнглини осмон баравар кўтарди. Сўнгра уни Ленин тўғрисида шеърлар ёзишга ундаб, агар Миртемир шундай шеърларни ёса, уни рус тилига таржима қилдириб, Москвада китоб қилиб чикарилишига ёрдам беражаги ва уни СССР давлат мукофотида тавсия этажагини айтди.

4

ТАДБИР

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

## Ўзбекистон давлатчилигининг шавкатли тарихидек улуғвор

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Кўпдан-кўп кузатувларим ва илмий изла-нишларим натижасида шундай хулосага кел-ганман. Ўзбек тилининг луғат бойлиги та-рихий-генетик жиҳатдан ўзбек халқи этник таркибининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Катта туркий халқлардан ҳеч бирининг этник таркиби ўзбек халқининг этник таркибидай бой ва ранг-баранг эмас. Тарих тақозоси билан ўзбек этносининг шаклланиши ва ривожла-ниш босқичларида туркий этник бирликлар (карлук, кипчак, ўғиз, булғор) у ёки бу дара-жада катнашган. Шу маънода ўзбек тили, таъ-бир жоиз бўлса, барча туркий “жилға”ларни ўз ичига олган тўртта катта “дарё”нинг сувлари билан мавжланиб оқаётган уммонни эслатади. Унинг чексиз маъно бойлиги ва шакл гўзал-лигига эга экани, айниқса, сўзларнинг маъно-дошлиги, зид сўзлар ва кўп маъноликликнинг бой шакли фикримизга далилдор.

Ўзбек тилида пайдо бўлаётган янги сўз ва атамалар ёки эски сўзларнинг янги маъно кирра-лари ва жиолари муайян даражада ўзбек халқи-нинг табиатидаги бунёдкорликка ва янгиликка ташналигини, Ўзбекистоннинг миллий мента-литетидаги ўзига хос неқиблик ва ҳаётсевар-ликни, лутф ва ҳазил-мутойибага мойиллигини акс эттиради. Ўзбек адабий тилининг мунтазам ривожланиш манбалари сифатида ўзбек диалект ва шеълари, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуна-ларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Яна бир жиҳат, ўзбек тили луғатидаги сўзлар ва ибораларнинг аксарияти умумбаъшарий ка-дриятлар ва уларнинг турли кирраларини ифода-лайди.

Ўзбек халқи асрлар давомида нафақат тур-кийлар билан, балки жаҳондаги барча халқлар, хусусан, ён-атрофдаги қўшни халқлар билан дўстлик ва ҳамжиҳатликка интилган, бу йўлда катта самараларга эришган. Масалан, Абдура-мон Жомий ва Алишер Навоий каби улуғ сиймо-лардан олган ва “ён қўшни – жон қўшни” имони билан абадиётга “ёз тутган ўзбек-тожик дўст-лигини жаҳоннинг барча минтақаларида қў-

ни-қўшни яшаётган халқлар учун тенгсиз ибрат намунаси килиб кўрсатиш мумкин.

Алишер Навоий — ўзбек адабий тили асос-чиси. Бу борада атрофича тўхталишга тўғри келади. Ҳазрат Навоий фақат ўзбек адабий тилининггина эмас, айни пайтда, ўздан кейин-ги асрларда шаклланган бошқа туркий адабий тилларга пойдевор бўлган умумтурк адабий ти-лининг ҳам асосчиси саналади. Шу боис бутун туркий оламнинг Алишер Навоий шахсияти ва ижодига чексиз муҳаббати, чуқур эҳтироми ҳам, аввало, мазкур омилга асосланади.

Озарбайжон пойтахтида 1926 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги Туркшун-носларнинг биринчи қурултойи билан бир пайт-да кенг нишонлангани, улуғ шоир асарлари ва Озарбайжон навоийшунослигининг илк жиддий ютуқларининг нашр қилингани ҳам тасодифий эмас. Таъкидлаш жоиз, Боқула Алишер Навоий таваллудига қадар бирор озар шоирининг юби-лейи ана шундай юқори савияда ва қўламда ни-шонланмаган эди.

Шу ўринда ўтган асрнинг 20-йиллари-дан 90-йилларигача Алишер Навоий мероси-нинг Озарбайжонда тарғиботи, таржимаси ва тадқиқи соҳасида Самал Вургун, Алоға Воҳид, Сулаймон Рустам, Нигор Рафибайли, Алакбар Зиётов каби машҳур шоир ва таржимонларнинг, Фирудин бек Кўчарили, Салмон Мумтоз, Ҳамид Арасли, Жаннат Нағиева, Ғуломхўсайн Али-ев каби таниқли адабиётшунослар меҳнатини алоҳида эслаш ўринли.

Сўнгги йилларда Озарбайжонда ўзбек тили ва адабиётига, хусусан, Алишер Навоий ижо-дида кизкини янада ортди. Бу йўналишда Ўз-бекистон Республикасининг Озарбайжонда-ги элчихонаси, Озарбайжон Миллий Фанлар академияси, Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги, Озарбайжон – Ўзбекистон дўстлик жамияти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида кўплаб тад-бирлар ўтказилди.

Жумладан, жорий йил 21 февраль куни Боқу-ла Озарбайжон Миллий Фанлар академиясининг Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институ-ти ва унинг Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбе-кистон адабий алоқалари бўлими, Ўзбекистон

Республикасининг Озарбайжондаги элчихонаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент дав-лат ўзбек тили ва адабиёти университети то-монидан Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишлаб ўтказилган катта тадбир адабий-ил-мий жамоатчиликда катта таассурот қолдирди.

Алишер Навоий гоълари ва образлари ола-мининг ўқувчига тўлиқ ва тушунарли тилда етиб боришига алоҳида эътибор бериш керак. Бу эса ҳар қандай таржимондан ўзбек тилини ва Алишер Навоий ижодини чуқур билиш билан бирга, муайян даражада шоирлик иктидорини ҳам талаб этади.

Кўришиб турибдики, қайси масалалар усти-да тўхтамайлик, қай бир матлабларга бош ур-майлик, барибир гап айлиб келиш яна ўзбек тилига тақалади. Шу маънода жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан бири бўлган ўзбек тили-нинг алоҳида байрам куни деб эълон қилиниши ва уни кейинги ўн йилликда ҳар томонлама ри-вожлантиришнинг асосий йўналишлари белги-ланиши, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон мустақилли-гини ва ўзбек давлатчилигининг пойдеворини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадамлардан хи-سوبланади.

Мен илм-фанда ва бадий ижодда ҳамиша сифат ва савия тарафлари бўлганман. Шу боис кўп йиллардан буён давом этиб келган илмий излашларим ва бадий таржималарим улуғ Ҳаз-рат таваллудининг 580 йиллигига ахлит ҳолда рўёбга чиқаришни кўнглимга тугиб қўйганман.

«Ўзбек келаётир...» номли тўплашим чоп этилиш арафасида. Узоқ йиллардан бери ўзбек матбуотида эълон қилинган туркум шеърларим ва илк бор нашр этилаётганлари ҳам ундан ўрин олган.

Китобга ном сифатида танланган “Ўзбек ке-лаётир...” балладаси бир пайтлар “Ўзбек иши”-ни тўқнаган номарду ноқасларга қарши битилган “Ўғмишдан нидола” туркуми билан кетма-кет битилган. Ушбу баллада адабий ва илмий давр-ларда яхши кутиб олинган, Ўзбекистон Қаҳрамо-ни, профессор Озод Шарофидинов “Янги шоир муборак бўлсин!” материални эълон қилганди.

Айни пайтда “Ўзбек келаётир...” баллада-сини юртингиздаги бугунги ўзгартишлар билан бойитишга ҳаракат қилияман. Бу иш мен учун қадри. Ўзбекистоннинг сўнгги улкан ютуқла-рига доир янги бандлар билан тўлдирилиб, сай-кал топган баллада ҳам шухрат қозонаётгани кўнглимга ором бахш этмоқда.

**Акиф АЗАЛП,**  
филология фанлари доктори,  
Озарбайжон — Ўзбекистон дўстлик  
жамияти бошқарув хайъати аъзоси

«Дунё» А.А

# ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ БЎЛИБ ЎТДИ

1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми “қизил армия” томо-нидан аъдарилган эди. Янги тузум ўрнатилгач, Файзулла Хўжаев бошчи-лигида Бухорода халқ ҳукумати ташкил этилди. 1920 йил 6 октябрда Бу-тунбухоро халқ вакилларининг I қурултойи ўтказилиб, унда Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги эълон қилинди.

Мазкур тарихий воқеанинг юз йилли-гига бағишланган Ўзбекистон, Туркия, АҚШ ва Қозғистон олим ва мутахассис-ларнинг халқаро симпозиуми “Бухоро инқилобининг ва Бухоро Халқ Жумҳури-ятининг 100 йиллиги” деб номланди. Ан-жуман Самарқанд давлат университети ва Турк илмий виртуал йиғилишлар жамияти томонидан ZOOM дастури асосида таш-кил қилинди. Симпозиум YouTube канали орқали Интернетда жонли эфирда бутун дунёга намойиш этилди. Халқаро форум ўзбек тилида иш олиб борди.

Ўз сўзида Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Самарқанд давлат университети ректо-ри, профессор Рустам Холмуродов, Тур-кия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Меҳмет Су-райё Эр, Халқаро Турк академияси прези-денти, профессор Дархон Кидирали сим-позиумнинг аҳамияти ҳақида тўхтади.

Мичган университети (АҚШ) про-фессори, таниқли адабиётшунос ва жа-дидшунос олим Тимур Хўжаёғли мазкур тарихий воқеанинг моҳиятига тўхталиб, “Бухоро инқилоби”нинг юзага келиш са-баблари, амирлик ҳокимиятининг ағда-рилиши, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Фитрат, Отаулла Хўжаев, Садриддин Ай-ний сингари Бухоро жадиждари (ёш бухо-роликлар)нинг ўша суронли йиллардаги фаолияти, Бухоро Халқ Республикасининг туркий халқлар давлатчилиги тарихида тутган ўрни ҳақида гапирди.

Анжуманда Ўзбекистон, Туркия, АҚШ, Қозғистондан катнашган тарих-чи ва адабиётшунос олимлар, жумладан, Бухоро давлат университети профессо-ри, тарих фанлари доктори Сулаймон Ино-ятов Отаулла Хўжаев фаолияти ҳақида

маъруза қилди. Туркиялик таниқли жамо-ат арбоби, профессор Аҳат Андижон маъ-рузасида Бухоро жумҳурияти ва Отатурк Туркияси қиёсан таҳлил қилинди. Абай номидаги Қозғистон миллий педагогика университети профессори, академик Мамбет Қойгелдиев Бухоро Республи-каси ва совет ҳукумати гоъларидagi но-мувофиқликлар ҳақида сўзлади. ЎзФА Тарих институти грант раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабов собиқ шўролар даврида бундан юз йил олдинги воқеаларни таҳлил қи-лишда бирёқламликка йўл қўйилгани ҳақида атрофича тўхтади. Ўзбекистон миллий университети профессори Хам-дулла Болтабоев Абдурауф Фитратнинг Бухоро Халқ Республикаси давлатчили-гини шакллантиришдаги ўрни хусусида фикр юритди.

Маърузалардан кейин давом этган му-нозарлада профессорлар Тимур Хўжа ва Инак йўли халқаро туризм университети (Самарқанд) проректори, профессор Жўлибой Элтазаров, Наманган давлат университети профессори Абдулла Расу-лов, ЎзФА Тарих институтининг илмий ишлар бўйича директор Уринбосари Шер-зод Махмудов ва бошқалар фаол катна-шдилар. Мазкур симпозиум материаллари Ўзбекистонда китоб ҳолида, Туркияда эса электрон шаклда чоп этилиши ҳақида келишди.

Ушбу халқаро анжуман нафақат Ўзе-кистон маданий ҳаётида, балки бутун тур-кий халқлар ҳаётида муҳим воқеа экани алоҳида таъкидланди.

**Умид ҲАЙИТОВ,**  
Навоий давлат педагогика  
институти докторанти

Давоми,  
бошланиши 1-саҳифада

Масалан, икки-уч йил аввал бу кўрсаткич мактаб битирувчи-ларининг атиги тўққиз фоизи-ни ташкил қилиб, олий таълим муассасаларига қабул даражаси 60-70 минг кишини ташкил қи-лар эди. Ўтган йили эса мамла-кат тарихида биринчи марта 150 минг нафар ёшларимиз талаба-ликка қабул қилиниб, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 20 фоизга етказилди. Бу йилги рақам эса ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўпни ташкил этди.

римиз ҳақида кўп эшитардик. Шундай пайтларда ҳаёдан бе-ихтиёр шоира Увайсийнинг:

**Замона қулфатидин бу кўнгул  
доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин  
бу кўнгул доғ ўлди —**

деган сатрлари ўтарди.

Дилбар кизларимизга бери-лаётган бугунги имкониятлар, карантин чекловларига қарамай, мамлакат миқёсида олиб бори-лаётган кенг қўламли ишлар, ижтимоий нафақа билан таъмин-ланадиган аҳоли сонининг ка-рийиб 1,5 баробар – 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга

тадиган 92 ёшли Ҳамробуви Раҳимова билан кўришиб су-ҳаблашганимда, момо бу хуна-ри но сочлари патила қизча пайти-да онасидан ўрганганини айтиб берган эди. Шунда ўйинчоқлар-ни кўргани келган, уни харид қилаётган хорижликларни су-ҳабатга торганимда, улар хай-ратини яширолмастан: “Ахир булар ўйинчоқлар эмас, сеҳрли эртаклар-ку”, – деган эди.

Бугунги кунда Янги Ўзе-кистон дунёнинг диққат-марка-зида бўлиб турибди. “Миллий тикланишдан – миллий юкса-лиш сари” деган ҳаётбахш гоъ мамлакат ҳаётининг жонбахш

# КАРАНТИН ВА КИТОБЛАР

Давоми,  
бошланиши 1-саҳифада

Аудитория бунга маъқуллади, мисол-лар келтирилди, ўсиб келаётган ёш ав-лодининг китоб ўқимаслигини танқид қил-дилар. Лекин ҳеч ким китоб нашр этиш борасидаги аҳволимиз қандай, китобхон-лик маданиятимиз юксалишида бу соҳа-даги ишлар бугунги талабга жавоб бера оладими, деб сўрамади. Хўш, бугунги кунда аҳолининг қанча қисми ўзининг китобга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда? Ахир, катта авлод кўп китоб ўқиган дав-рда ҳар бир маҳаллада китоб захираси

муш ташвишлари билан вақти бўлмаган-дир, лекин шунча йиллик ўтган умрида бирорта китоб ўқимагани ёки бунга фу-рсат тополмагани, барибир, афсусланарли хол. Аслида ҳар бир миллатнинг ёшлари истезоди, илмий салоҳиятининг шакл-ланишида оиланинг ва биринчи галда оналарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу ўринда ўтган аср бошларида яшаб ў-тган, маърифатпарвар жадид боболаримиз-нинг хусусан, биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг: “Миллатнинг зиё-ли бўлмоғи учун оналаримизни саводли қилмоқ керакдур!”, деган даввати айни ҳақиқат эканини таъкидлагим келади.

Ҳар ҳолда, бугунги оналари-мизнинг имкониятлари бир аср аввалгидан яхшироқ экани шубҳасиз...



айниқса, китобга бўлган меҳридадир”, де-ган фикри кишини ўйлантириши табиий. Бугун тараққий этган, ривожланган дав-латлар Гогонинг ҳақ эканлигини исбот-лаётгандек, назаримда.

Китобхонликка эътиборнинг сустлиги, айниқса, биз ноширлар ва матбаачиларни ташвишга солади. Негаки, соҳа ходимла-ри халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириб мақсадида, жумладан, бола-жонларимизнинг маънавий юксалишини таъминлайдиган, дунёқарашини ўстира-диган, уларни биз истагандек маънавий-латлар Гогонинг ҳақ эканлигини исбот-лаётгандек, назаримда.

Китобхонликка эътиборнинг сустлиги, айниқса, биз ноширлар ва матбаачиларни ташвишга солади. Негаки, соҳа ходимла-ри халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириб мақсадида, жумладан, бола-жонларимизнинг маънавий юксалишини таъминлайдиган, дунёқарашини ўстира-диган, уларни биз истагандек маънавий-латлар Гогонинг ҳақ эканлигини исбот-лаётгандек, назаримда.

**Шавкат ЮСУПОВ,**  
Ғафур Ғулум номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи директори

# ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Табиийки, ҳар қандай халқ-нинг маънавий даражаси шу юрт аёлларининг маънавий са-виyesi билан белгиланади. Бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб бори-моқда. Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Се-натда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди. Президентим-из ўз нутқларида таъкидла-ганларидек, кам таъминланган оилаларда камол топаётган қиз-ларимизнинг билим олиш им-кониятини кенгайтириш учун бу йил янги тизим жорий эти-либ, унга мувофиқ ушбу ўқув йилида олий таълим даргоҳла-рининг қундузги бўлимларида давлат гранти тизимида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

етказилиши, ушбу тоифани қў-лаб-қувватлаш ва иқтисодийни тиклаш учун давлат бюджетидан ўн икки ярим триллион сўм маблағ ажратилиши турли си-новлардан бир тан, бир жон бў-либ ўтаётган халқимиз ризолити йўлидаги қутлуг ҳаракатлардир. “Узлуксиз маънавий тарбия кон-цепцияси” доирасида умумтаъ-лим мактабларида биринчи мар-та “Тарбия” фанининг жорий этилиши мустақил давлатимиз маънавий пойдеворида қўйилган олтин ғиштлар қабидир.

Халқимизда: “Бир йигит-га қирқ хуна оз” деган мақол бор. Ўрта мактабни битирган ёшларимизнинг билим олиш билан бирга хунари бўлиб чиқиши ҳар бир оиланинг орзу-сидир. Битта чевар қиз етти маҳалланинг либосини тикар-кан. Қўлида хунари бор одам-нинг ҳамиша нони бутун, деб бежизга айтилмаган, ахир. Бу-хоро шахрига хизмат сафари билан борганимда олти авлод халқасининг узилмай темир-чилик билан шугўлланиб кела-ётгани, улар ясаган пичоқлар дами ўткирлиги, нафислиги билан хоризжа ҳам машҳур эканлигининг гувоҳи бўлган эдим. Шунингдек, лойдан бола-ларга хуштақлар, гаройиб ўй-инчоқлар ясаб, текинга тарка-

хужайраларига кириб бормоқда. Қўзлари қолдуздай порлаб тур-ган миллионлаб болалар, гурил-даб ишлаб турган санаот корхо-налари, байрам кунларида ишга тушган Тошкент метросининг янги ер ости ва ер усти линияла-ри, камбағалликни қамайтириш давлат сиёсати даражасига қўта-рилиши, сўнгги тўрт йилда 43 та янги олий таълим муассасининг ташкил этилиши, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро муқофотнинг таъсис этилиши, қилмишига пушаймон бўлиб, қатъий тузалаш йўлига ўтган 73 нафар шахснинг жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтарили-ши, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартирилиши, фуқаролик оломай юриб, қўн-гил ўқисан 50 мингдан зиёд ки-шига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилиши... Янги Ўзбекистон тарихидаги одамий-лик чизгиларидир.

Мен бу мақолани “Адиб-лар хибоси”нинг гуллар билан зийнатланган йўлақларида юриб, улуглар нигоҳини ҳис этиб, қалб дафтаримга ёздим.


**Шарифа САЛИМОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими,  
шоира



Тадқиқотларга қўра ду-недаги бугунги давлатлар ва минтақаларда китобхонлик даражаси қўйилганига қўри-нишда. Бир йилда ўқиладиган китоблар сони: Европа давлатларида ҳар бир одам ўртача 40 та, Исроилда 35 та, Россияда 12 та, Туркияда 10 та, араб давлатларида 8 та. Ачинарли томони шундаки, Марказий Осиё давлатларида китобхонлик даражаси энг паст кўрсаткичга эга, яъни ушбу ми-нотақда 80 та одам бир йилда 1 та китоб ўқир экан. Хўш, сизнингча бизда бир йилда қан-ча китоб ўқийлади? Сиз ўзингиз ўтган бир йиллик вақтингизни эмас, карантинда уйда қолган олти ойни сарҳисоб қилсангиз, қан-дай рақамлар ҳосил бўлади?!

Виктор Гюго: “Одамнинг улдуғорли-ги унинг бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улдуғлиги ҳам унинг сони бил-ан ўлчанмайди, ягона ўлчови унинг ақ-лий қамолоти, ахлоқий баркамоллиги ва,

Саъдулла ҲАКИМ



# МУҲАББАТ БИЛАН БУНЁД

Достон

## ЙЎЛЛАР

Ҳаёт донгил йўлдан иборат,  
Юртга сафар – буюк ибодат.

Чумолилар сафи сингари,  
Йўл етаклар максаллар сари,

Илм йўли – қор-кировли йўл,  
Завол билмас, ор синовли йўл.

Барча йўллар Каъбага йўллар,  
Ҳақ қошида тавбага йўллар.

Кўнгилга йўл бормаса етиб,  
Унутилар буткул вақт ўтиб.

Ўз идрокнинг нашъасида бўл,  
Осон этар хар мушкулни йўл.

Энг улуг йўл – муҳаббат йўли,  
Энг улуг эл – муҳаббат эли.

Битта йўлдан кетар ошиқлар,  
Муродига етар ошиқлар.

Энг тўғри йўл Ҳақ йўли, бироқ  
Тинмай чалар боқий кўнгирок.

Ҳақ йўлидан адашган қанча,  
Ўз йўлини ҳақ аташган қанча.

Гоҳ тубанга бошлагувчи – йўл,  
Инсон кўзини ёшлагувчи – йўл.

То қачонки йўллар бирлашар, –  
Қучоқ очиб эллар бирлашар.

Йўл очгани Тангри ҳам қўллар.  
Азиз билиб шафоат йўллар.

Йўл қурганинг ўчмайди номи,  
Сўнмас асло эл эхтиромни.

\*\*\*

Ким туттай сиёсат йўлини маҳкам,  
Тутар йўриғида бошқаларни ҳам.

Ким фақат манфаат йўлини ушлар,  
Нонни бошқалардан қаттарок тишлар.

Ким манглай терини тўкажак йўлга,  
Ким ўша ўлжани кириттай қўлга.

Ким очар элига хар қадамда йўл,  
Эл тутар хар лаҳза саодатга қўл.

– Ота, қаранг, қатта йўлни  
Ҳар икки ён бўлаги –  
Алоҳида, бошдан-охир  
Валасанид йўлаги.

Ойи, не иш буюрсангиз,  
Ҳаммасига қўнаман.  
Қўшни қизлар билан мен ҳам  
Валасанид минаман.

– Айланайин, болажомим,  
Розиман хар ишингдан,  
Доим замон олдида бўл,  
Қолма тенгу тўшингдан.

Шундай дея лабларидан  
Дуру гавхар сочдилар.  
Сўнг чароғон кўнгил ила  
Дуога қўл очдилар:

– Мехринг ортар кўрган сари,  
Эл обод, юрт боғ бўлсин.  
Қўли теккан борки, бари  
Омон бўлсин, соғ бўлсин!

## ХАЛҚ РОЗИ, ХУДО РОЗИ

*Эрур сен шоҳ, агар оғоҳ сен-сен,  
Агар оғоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен.*

Улуг Навоийдан мерос ушбу дур,  
Неча асрларни зийнатлаб келур.

Халқ холидан қимки хабардор эмас,  
Халқ ҳам уни асло сардорим демас.

Бу кун янгиладир тошу тарози:  
Халқни рози қилсанг, Худо ҳам рози.

Эл кўнгил эшиги Каъбадай очик,  
Кўнгилга кўнгилдан бўлурлар ошиқ.

Ошиқ бўлиб борган иззатин билур,  
Дастёри бўлиб эл хизматин килур.

Кундан-кун шавқати ошгани ростдир,  
Ғалдор ғанимлари шошгани ростдир.

Кўр бўлса кўр кўзнинг кўнгил кўзи ҳам,  
Дунёда йўқ бунча оғир ўзи ғам.

Энди мудлаога тезроқ қайтайин,  
Саъдий Шероийдан бир сўз айттайин:

“Лочинни қарга деб тирғалса зинҳор,  
Ўзида айб эмас, кўзида айб бор”

Сўнг адолат офтоби тушиб,  
Ишлар қайта кўриб ёқланди.  
Бошқаларнинг бу экан иши,  
Элга қайтди, номи оқланди.

Отасининг у танги зотга  
Шундан буён ҳурмати баланд.  
Қайтди яна жўшқин ҳаётга,  
Био қураб зўр шиддат билан.

Ҳасад билан яшамок оғир,  
Ҳасад бўғар ҳамма нарсани.  
Отаси шу кишига дохил,  
Айтиб берган бир ходисани.

У маҳаллар навқирон сумбат,  
Қоп-қора соч, анча ёш бўлган.  
Чакмоқ кўзли, қарчига келбат,  
Бир туманга унда бош бўлган.

Шу мавзилда мунажжим олим,  
Хайкали қад кўтармиш шоён.  
Бир кун ўтиб, бўлар маросим,  
Юксак зотлар ташрифи аён.

Оқ матодан тоза ёпинчик,  
Ёлдилару хайкал устига.  
Кўнгиллари хотиржам, тинчиб,  
Кетдилар уй-уйига ҳамма.

Ярим тунда уйқуни бузиб,  
Жиринглади телефон носоз.  
“Хайкалнинг бориб кўр туриб,  
Сени қутар бошсиз чавандоз”.

Ва янгради совуқ қаҳқаҳа,  
Бу иблисинг жубуши эди.  
Юрагини ўртади заха,  
Хайхот, нима қилади энди?

Етиб келди отилиб ўқдай,  
Ёпинчикни кўтарди шошиб.  
“Танаси”дан узилган эди,  
Улуг зотининг табаррук боши.

Тун чодирин йиғар ҳадемай,  
Уйғонади шаҳар ҳам, ахир.  
Ким бўлди бу иблисга малай,  
Бу не ўйини? Бу қандай макр?

Узилган бош сингари нохуш,  
Кўш чикиб келар қизариб.  
Маросимга йиғилар улус,  
Бир нечаси турар бўзариб:

## КЎЗГУДАГИ ЙИГИТ

Ажаб замон, ёшлар бу кун  
Имо қилур ИМОдан.  
Бир-бирига йўллар хабар,  
Ҳимо қилур ИМОдан.

Кўриб турар бир-бирини  
Ўтиргандай ёнма-ён.  
Кўриб турар бир-бирини,  
Инсу жинсдан соғ-омон.

Бизнинг ёшлик замонларда  
Юз кўришмоқ қайдайди.  
Бориб қолсанг акаларни  
Ёв қувгандек қайдайди.

Жавобини олмасак ҳам  
Хат ёздиқ деб маст эдик.  
Техник-пехник масалада  
Булардан кўп паст эдик.

Лекин, рости, соғинчимиз  
Айтмасак ҳам ботиниб,  
Кўксимиздан нақ вулқондай  
Чикар эди отилиб.

Хуллас, Бунёд деганимиз  
Ёш журналистининг бири.  
“ЎЗАС” деган газетанинг  
Чакқонгина мухбири.

Сухбат қуриб бир-икки бор,  
Муҳаббатдан сўз олган.  
Қатнайвериб такрор-такрор,  
Кўнгилга ҳам йўл солган.

Асли ўзи Жиззах тараф,  
Ё Фориш, ё Зоминдан.  
Елкаси кенг, бургут шараф,  
Хуллас, тоғли заминдан.

У дедик, шаҳримизга  
Медиа-тур бўлармиш.  
Қазо-қазо журналистлар  
Ясов тортиб келармиш.

Мен-ку кезиб чиқдим кеча  
Бошдан-охир. Ғаройиб.  
Кезинг келар кезсанг неча,  
Қайда бундоқ шароит.

## КЎЗГУДАГИ ҚИЗ

“Ким экан бу ой юзли,  
Қадри расо, кун кўзли?  
Тиник икки ёноғи –  
Икки лола япроғи.

Лаблари-ку гулгунча,  
Қошлари барок бунча?  
Қошлари бароклиги –  
Кўнгли унинг оқлиги.

Қиз бола қош термайди,  
Гап-сўзга йўл бермайди.

Қиз боланинг либоси –  
Ҳаёсию ибоси.

“Тўғрими?”, деган эди,  
У ҳам “Тўғрими?” деди.

Яхши экан, шубҳасиз,  
Ўша кўзгудаги қиз.

Муҳаббат боқди қулиб,  
Сўнг ноз ила тикилиб,

Исингизни биламан,  
Девди, у ҳам шу билан,

Билишин баён этди,  
Кимлигин аён этди.

Сўнг Муҳаббат дил ёна,  
Деди: “Тингла, дугона,  
Кўрганимдан айттайин,  
Юрагимдан айттайин”.

## ШАЖАРА

“Юнусобод даҳаси қадим,  
Шу даҳада ўсиб-ўлғайдим.  
Мустақиллик даври қизиман,  
Эркин руҳнинг ёруғ юзиман.

Октябрнинг йиғирма бири  
Мен туғилган кун. Шундан бери

Юрагимда асло ўчмас из,  
Тили узун бу мен ўша қиз.

Онам – дилда пок қалимаси,  
Адабиёт муаллимаси.

Қурувчилик касбига ихлос  
Қўйиб, отам рўзгор боқар, рост.

Оқтепада яшаган бобом  
Ўсмир чоғи дўстлари билан

Шу жойларда кўй боқиб юрган,  
Ўққа учган мардларни кўрган.

Отам асл тарихни билиб,  
Улғайрган фикри тўқ бўлиб.

Бобом “Тарих ғам-дардга тўла,  
Бир касб танла тарихдан бўлак,

Бир кун келиб биласан, деган,  
Ке қўй, меъмор бўласан, деган.

Тикка қолар қурганининг иши,  
Экса, курса ўлмайди киши”.

У чокларда тарихдан тўғри  
Сўз очганининг қуриган шўри.

Асли осмон олтин мулкимиз –  
Юлдузларга етган илкимиз.

Арабларга араб тилида  
Дарс берганимиз ўсган элида.

Америкони кашф этиб қўйиб,  
Тарихга зарб этганимиз ўйиб.

Амир Темур адолат учун,  
Номардлардан олган халқ ўчин.

Рухий қудрат, ақл-ирода  
Яроғдан ҳам кескир аслида.

Чўққинг бўлса, юксакдан туриб,  
Сўз айтмоғинг лозим қад қериб.

Кўтарилар бир қуни туман,  
Туширолмас ҳеч қим чўққидан.

Кимнинг бутун бўлса имони,  
Сўз айтмоқнинг келар замони.

Дерлар, қизга отанинг ақли  
Ва онанинг атвори ҳақли.

Мен энди фарзандлик ҳолима,  
Бўлгайман тарихчи олима.

Кўзгудаги эй сен, дугона,  
Бизнинг замонадир замона”.

Шу жойда битди гап хонаси,  
Чорлаб овоз берди онаси.



## ДОНИШ КЎЧА

Шом қуйилган лаҳзаларда  
Аҳмад Дониш кўчаси,  
Дуру гавхар сочилгандай  
Порлаб кетар кечаси.

Уйлариинг деразаси  
Қатта йўлга қараган.  
Йўл ёқаси икки томон  
Кўм-кўк арча, қарагай.

Авваллари йўл ўртаси  
Сийрак дарахт, икки ёк,  
Мошин йўли эди бир нав,  
Пасту баланд, нобопроқ.

– Қаранг, – деди дерезага  
Яқин келиб Муҳаббат, –  
Кўз қувнайди, яйрайди дил,  
Қиёси йўқ. Маҳобат!”

Ота-она, қиз учовлон  
Ҳавас билан қўқидлар,  
Юракларга солиб олов,  
Гурунгда ўт ёқидлар:

– Бамисоли қора дарё,  
Ёйик, олти тасмали.  
Нур сочилиб ётар хар ён,  
Ховуч-ховуч дур, лаъли.

Кўнглинг тусаб, эртаю кеч  
Кезар бўлсанг пияда,  
Хориш нима, билмасан ҳеч,  
Завқинг бўлар зиёда.

Кўявер, подонлар билмас-билмас,  
Юз ҳақир йиғилиб, битта от бўлмас.

Шу асно “Аҳборот” боғини қалди,  
Оила кўз тикиб, жам бўлиб олди.

Бирга ҳамроҳ этиб қурган нечани,  
Юртбоши айланиб янги кўчани,

Қўли кўксидан юзда табассум,  
Шаҳар аҳли сари юзланди бир зум.

Сўнг йўл олди метро “Туркистон” сари,  
Туркистон... муқаддас тарих дафтари.

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Ҳаёт порлоқ, гўзал, улугвор,  
Халқ ичида эркин рух кезар.  
Аммо аччиқ сабоқлари бор,  
Гоҳ бағрининг дард бўлиб эзар.

Нима учун, билмас Муҳаббат,  
Айтмайди ич-ичдан, бироқ  
Онасида кўра ҳаммаша  
Отасини кўрар яхшироқ.

Тўғри, бундан ўн йиллар аввал  
Бир жанжалли бинони қуриб,  
Айбсиз айбдор бўлиб, отаси  
Беш-олти йил чикди ўтириб.

Пулни тахлаб бор бўйи қалар,  
Туширдилар суратга хатто.  
Ризқимизни қийганлар шулар,  
Дея шов-шув қилдилар қатта.

“Ҳали-замон тушар ёпинчик,  
Хандон урмоқ фурсати етар.  
Бир қаллаи асрай олмаган  
Қанчасининг қалласи кетар.”

Улуг сўзлар янгради манзур,  
Ва очилди хайкалнинг юзи.  
Турар эди қад қериб мағрур,  
Ёруғ юзли мунажжим ўзи.

Шу тарихи, соатдай ишлаб,  
Юксак ақл чикди музаффар,  
Ҳасалғўйлар қолди мум тишлаб,  
Теран эҳи олдида заъфар.

Асли, шаҳар бир чеккасида  
Бошқа буюк сиймо хайкали  
Қолган эди тўзиб-эскириб,  
Янгилашнинг келгани гали.

Ўша ҳолат бўлди сабаб,  
Хижолатдан бўлдилар халос.  
Буюқларнинг бошлари, ажаб,  
Бир-бирига келар экан мос.

Бронзадан қуйилиб хайкал,  
Кейин бари тушди жойига.  
Эл қадами узилмас, алхол,  
Гул қўйғали хайкал пойига.

Шуни айтиб, отаси доим  
Дуо қилиб сўрар Ўзидан:  
Хар бандани асра, илойим,  
Ёмонларнинг гапу сўзидан!”

Шу аснода қўл телефони  
Жиринглади. Муҳаббат шу чок  
“Бунёд” деган ёзувини кўриб,  
Хонасига йўл олди қувнок.

Муҳаббат ҳам келса, жуда  
Ажойиб иш бўларди.  
Ер устининг метросида  
Сайр қилиб келарди.

Ахл этдилар, Бунёд туташ  
Қошларини чимириб,  
Қилди ажиб бургут қараш,  
Ўз ишидан семириб.

## УЧҚУР ТУЛПОР АВЛОДИ

Эртанги ажойиб тадбирини ўйлаб,  
Бунёднинг кўзига келмади уйқу.  
...Ёнида Муҳаббат, қўлида қалам,  
Нечоғли бахтиёр йигит, ахир, у.

Эртатанга ўхшайди чиндан бу ҳаёт,  
Шўнғиб ер остига, чиқасан бирдан.  
Айт-чи, сенинг нима каминг бор, Бунёд,  
Шонли боболаринг авлиё-пирдан.

Шошилиб яшаган одамзод доим,  
Ўзига ҳаммаша излаган ҳамроҳ.  
Гоҳ “Учар гилам” да кезган дунёни,  
Шамолни шошириб от чоптирган гоҳ.

Муҳаммад Мустафо Бурокни миниб,  
Кўз юзиб очгунча меърожга чиқмиш.  
Кўрсатур тафаккур сеҳр-қучини,  
Бугун самолётлар қалаётган иш.

Ва лекин ер усти метроси менга,  
Бойчибор, Ғиротни эслатар кўпроқ.  
Баланддан боқасан ён-атрофингга,  
Оёғинг остида юксалгандай тоғ.

Қадимда қальани қуршаган дарё,  
Гул берган шаҳарга, элга сув тутган.  
Ер усти метроси, наздимда, гўё  
Ўшал дарёлардай керакдир юртга.

Дейдилар, Сеулда, Дубайда шундоқ  
Иншоот бор эмиш, Нур-султонда ҳам.  
Фикрини жам этиб ўйлайлик бундоқ,  
“Бизники!” деган сўз қандай мухташам.

Халқни ризо этмак чин моҳияти,  
Энг буюқ саховат она халққа бу.  
Бу – давлат қудрати, юрт салоҳияти,  
Пойтахтни беаган олтин халқа бу!

## ХОТИМА

Бир қарасам, ер устида кезгандайман,  
Бир қарасам, кўкда парвоз этгандайман.  
Ер устида метросини ҳам кўрдик, шукр,  
Барча эзу муродимга етгандайман!

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

"Пакир киши панада" нақлига амал қилиб яшаётган, аммо раҳбарнинг бу сўзларидан канотланган шоир дўст-душманлари даврасида кўрагини кўтариб юриши мумкинлигини кўз олдига келтириб, инқилоб дохийисини улуглашган шеърлар туркумини ёзди. Кигтоб Москвада рус тилида нашр этилди. Аммо ўша йили СССР давлат мукофотиغا Ўзбекистондан Миртемир эмас, бошқа бир ёзувчи тавсия этилди.

Миртемир ака шундай ҳодисалар туйғул йўқаси тўлиб кетган пайтларда эшитилган эштилмас, Пушкиннинг: "Биз кўпчилик эдик ўша кайиқда", деган сатрини пишириб қўяр эди.

Агар шoir хаёт чоғида унинг энг яхши шеърлари энг яхши таржимонлар томонидан рус тилига таржима қилинишига эришганимизда, нафақат унинг, балки, умуман, ўзбек шеърининг мавқеи жаҳоннинг русзабон қисмида ўн чандон кўтарилган ва бу "адабий" адолатнинг тикланишига сабаб бўлган бўлармиди. Негаки, ўтган асрнинг 70-80-йилларида жўшиб ижод қилган Миртемир, Асқад Мухтор, Зуффия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Халима Худойбердиева каби шеърят зар-

ўтказиб юборибди. Миртемир ака Омонбекнинг қаерда имтиҳон олаётганини суриштириб топибди. Эшикни очиб, зир-зир титраб ўтирган йиғит-қизларни ҳам кўрмай, тўғри Омонбекнинг олдига борибди. "Омонбек, ўғлим, бир нозик масалада келишим", дебди. Омонбек нозик масаланинг нима эканини тушуниб, Миртемир акани коридорга имлабди. Аммо Миртемир ака Омонбек худди қочиб кетадигандек, боғли "нозик масала"ни боғли титроқ болалар олдига айтибди-қўйибди.

Хуллас, Омонбек тинчлангандан кейин Миртемир ака ўта саов ишни битиргандек уйига хурсанд бўлиб қайтибди. Орадан бир йилми-икки йилми ўтганидан сўнг, Тошкентда Наврўз Жапоков билан иттифоқо кўришиб қолиб, гап орасида жиянини ўқишини сўраган экан, Наврўз оға хайрон бўлибди: қайси жиянини сўраптиз, дебди. Маълум бўлишича, Наврўз оғага ҳеч бир алоқаси бўлмаган йиғит шоирга қора калпоғини кийдириб кетган экан.

Миртемир ака ўзининг ички гурурига, ор-номусига, шоирлик номига гард юктирмай яшади. Ўзбек халқининг шоири бўлиши, унинг орзу ва интилишларини, қайғу ва аламларини, хаётнинг паст-баланд томонларини шеърининг сеҳри тили ва воситалари билан ифодалаш унинг учун энг олий

на уларни эълон қиларди. Қамини шундай пайтларда ердан куч олувчи Антей ҳақидаги юнон мифининг ростлигига астойдил ишонар эдим.

Миртемир шундай шеърларидан бирида қишлоғини тасвирлаб, бундай ёзган: **Кай қўрага кирсанг – эшиги очик, Бир нима татийсан, сўзун кўз соқи, Қора кумғон кайнар, ёзилур чочик, Зоғорани, сўкми, ёвғон ё умоч. Борини аямас, барини қўяр, Юпками ё гўжа, талқон, қўғирмоч, Журутми ё жийда – ўртага уяр, Жуда бўлмаганда қаттиғу қўмоч. Агар сўйган бўлса кеча бўрдоки, Қозонда қовурдоқ, ўртала кўза. Данақ, қовун қоқи, сўзун кўз соқи, Ё қимиз сузулур, ё аччиқ бўза...**

Ушбу сатрларни ўқир эканман, Миртемир ўзбек тилида жаранглаб юборган Некрасовнинг "Россияда қим яхши яшайди" достони сатрлари қўлғим тағида замана қилгандек бўлди. Некрасов ҳам ўз достонидан рус халқининг маънавий турмушини шундай реалистик деталлар билан тасвирлаган эдики, уни ўқиганимизда рус қишлоғи кишиларининг аянчли хаётни кўз олдингизда рўй-рост гавдаланади. Миртемир тусура шундан фарқи ўлароқ, ўзбек қишлоғи ва шу қишлоқ кишилари хаёти-

Даралари жаннатини, тоғ сиртлари кўк яйлоқ. Қумлоқларида хатто сурув-сурув кўй-қўзи, Гулдор, вақсини қорақўл, етти ранглик, ярқироқ. Бир фарзанддай чўқ тушиб, пешанамни қўяман, Кўп ўтмай соғинаман, ўпиб-ўпиб тўяман. Оқ пошшонинг тўпидан абжак бобом хоки бу, Оқ пошшоини эслатсанг, ёвузликка йўяман...

Шоир гарчанд совет даврида ўзини қаманга, отасини қуванга, юқумли касалликдан ўлган онасининг жасадини ҳам фарзандларидан яшириб қўмган большевиклардан бирор марта нолимаган бўлса-да, бугун биз "Оқ пошшонинг тўпидан абжак бобом хоки бу, Оқ пошшоини эслатсанг, ёвузликка йўяман" сатрларидан унинг большевиклар дохийисига ва хатто большевиклар даврига бўлган нафратини ҳам сезгандек бўламиз. Зеро, у, Миртемир, дилдаги қанчадан-қанча жароҳатларини очмай, сўнгги шеърларидан бирида: "Мажнунтол тағига ўтказинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим", деб бежиз ёзмаган эди.

АДИБЛАР ХИЁБОНИДА

АДАБИЁТ – ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Президентимизнинг оқилона сиёсатида миллий гурур, фахр-ифтихор ва ор-номус туйғуларини юксалтириш орқали ўзбек тилининг нуфузини кўтариш, одамлар калбига йўл топиш, уларни юксак мақсадларга илҳомлантиришдек эзгу ғоялар муҳим ҳисобланади. Айни кунларда аждодлар меросини ўрганиш, буюк халқимизга ва маданиятимизга муносиб адабиёт яратиб, она тилимизнинг амалий мавқеини янада юксалтириш учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Жумладан, 2017 йилда давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра пойтахтимиз марказида "Адиблар хиёбони"ни барпо қилиш режаси тузилиб, хиёбоннинг мейморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Мазкур лойиҳа асосида 8 гектардан ортиқ майдонда яхлит зиёрат маскани яратилди. Ҳазрат Навоийнинг мухташам ҳайкали атрофида атқилиб шoir ва адиблар хайкаллари жойлаштирилиб, яхлит, музазъм хиёбон шакллантирилди. Хиёбонга туташ ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси биносининг барпо этилгани ҳам ўзаро уйғунлик ва ҳамоханглик касб этди.

Истиклол байрами арафасида "Адиблар хиёбони"да бўлдим. Хиёбон маҳаббатини кўриб, шу элнинг, шу юртнинг фарзанди эканлигимдан, шу жаннатомандан заминда туғилганимдан, буюк адибларимизнинг айримлари билан замондош бўлганимдан фахр ва ифтихор туйғусини ҳис қилдим. Хайкаллари хиёбондан ўрин олган улуг зотлар ўзларининг ноёб салоҳияти, ғайрат-шижоати, мислсиз иродаси ва бошқа бетакрор хислатлари билан халқимиз ҳамда Ватанимиз фахру ифтихорига айланган.

Дарҳақиқат, улуг адибларимиз асарларидаги ҳар бир сўзинг юраги уриб, тириклик руҳи уфурлади. Сўзлар жилдолаб, товуздек товланиб туради. Уларнинг асарларини қайта-қайта ўқигун келаверида, Зеро, бу зотларнинг суянган тоғи, ишонган боғи – она тилидир. Улар, тил – миллатнинг руҳи эканлигини теран англаган зотлардир. Умрбоқий битикларни орқали ўзбек тилининг лафозати, жозибаси, таъсир кучи ва чексиз имкониятларини юзга чиқаришга бекиёб ҳисса қўшганлар.

Бугун Ўзбекистонимиз ўз таракқиётининг янги бошқичага кўтарилмоқда. Барча соҳалар каторида давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда юксалишини таъминлаш борасида кенг қўлларни ишлар қилиш, бугун, айниқса, зарур. Бу устувор вазифани амалга оширишда адабиёт халқилуви омил саналади.

Адибларимизнинг ширали ва таъсирчан сўзлар билан ифодаланган асарларини пухта ўрганиб чиқиш, доимо мурола қилиш жуда муҳим. Давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка эътибор, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз ва ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Бугунги кунда божхона идоралари шахсий таркиб ўртасида ва унинг олий таълим маскани – Божхона институтида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар орқали адибларимизнинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш ҳамда асарлардаги лисоний ҳазина ёрдамида шахсий таркибнинг сўз бойлигини ошириб боришга аҳамият берилмоқда. Божхона ҳодимларининг илмий-тадқиқот ишларида ҳам бой маънавий меросимиздан кенг фойдаланиш белгиланди. Атоқли адибларимизнинг таваллод айёмлари муносабати билан давра суҳбатлари ва ижодий кечалар уюштирилмоқда. Божхона хизмати офицер ва курсантларининг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Адабиёт – тарбия қуроли" деб номланган масофавий танлов ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Танловда иштирок этган соҳа ҳодимларининг ижод намуналарини ўз ичига олган "Қалб гавҳари" номли китоб нашр этирилди.

Хабибулла АЗИЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг маслаҳатчиси

«КАЪБАМСАН, ШЕЪРИЯТ...»

гарлари билан бахшлаша оладиган шоирлар собиқ советлар юртида санокли эди.

Миртемир ака шу даврда маънавий жиҳатдан хийла камситилиб, моддий жиҳатдан хийла қийналиб, ҳали олтинчи билан олишмасдан, хастанлигининг сап-сарик либосини ечмай яшади. Шунга қарамай, шоғирларининг бошини силаб, бир лудма таомини уларсиз емади; туркистонлик қариндош-уруғларининг болалари мактабини тугатар-туғатмас, унинг хонадонига келиб, олий маълумотли бўлиб кетишди. Унинг шоғирпарастлиги ва қўмақпарастлигини бутун Ўзбекистон биларди. Хатто кунларнинг бирида бир қоракалпоқ йиғити Миртемир аканинг уйига келиб, таникли шоир ва давлат арбоби Наврўз Жапоковнинг жияни эканини, университетта ҳужжатларини топширганини, эртага Ойбек домланинг ўғли Омон Топмухамедовга тарихдан имтиҳон топшириши лозимлигини айтди. "Жуда яхши, — дейди Миртемир ака, — университетта кириб, яхши тарихчи бўлиш, бўтам. Қоракалпоғистонга яхши тарихчилар керак". "Тугри айтажақсиз, оға, — дейди йиғит. — Лекин Ойбек ағанинг ўғли қаттиқ азаларкан имтахинди. Жардам бермасангиз, у мени жиҳитлади". Бечора Миртемир ака: "Наврўз оғанинг бир иши тушибди, бошининг эгиб бўлса ҳам, Омонбекнинг олдига бориб, шу қоракалпоқ йиғитга ёрдам бермасанг бўлмас. Раҳматли отанг билан дўстлиги бор эди. Наврўз оғанинг", деб эртасига университетта борибди. Бинога бўлажақ талабалардан бўлақ ҳеч қимни йўлатмаётган навбатчи Миртемир акани танигани учун

иш, энг олий мукофот, энг олий бурч эди. У Гафур Ҳолов ва Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Шайхзода, Асқад Мухтор ва Эркин Воҳидов сингари шоирлар даврасида ижод қилаётгани ва улар олдига уялиб қолмаслиги учун қаламнини доим чархлаб турди, янги-янги тасвир воситаларини, теша тегмаган образлар ва ранглари ахтариб топди. Болалиги ва ўсмирлигини Туркистон адирларида, ўзбеки тил ва ўқ-оқатларни асл ҳолда сақлаб келаятган инқиликлар бағрида ўтказган, кейин тез-тез ота юртига бориб, Ясавий макбарасини зиёрат қилиб, асл ўзбек тили булоқларидан баҳраманд бўлган шоир Тошкентда бўлмасам ҳам, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркменистонда ўзбек халқининг XX асрдаги энг миллий шоири сифатида шуҳрат қозонди.

Авалли тузумда яшаган ақсар шоирлардек, унинг ҳам айрим шеърларидан "Ленин", "партия", "коммунизм" сўзлари мўралаб, айрим шеърларидан эса ўша даврнинг қарнай-сурнайлари эшитилиб туради. Махбуслик йилларини Москва-Волга канали қурилишида ўтказган шоирнинг бусиз адабий ҳаётдан ўрин олиши, шеърларини газета ва журналларда чоп этиши, кечикиб бўлса-да, Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлиши амри маҳол эди. Лекин у ҳар сафар она Туркистонга борганида (у тўю азалар муносабати билан қариндош-уруғларини кўргани тез-тез борар эди), у ердан дафтар-дафтар тугалланган ва тугалланмаган шеърлар олиб келарди. Ва шу шеърларга қалам уриб, сайқал берганидан сўнг, кўпинча бизни қақриб ўқиб берар ва фикримизни эшитганидан сўнгти-

ни катта меҳр ва қандайдир яширин гурур билан тасвирлагани, сизда шу қишлоқ ва унинг ақлини кўриш завқи, ҳаваси пайдо бўлади. Сиз шоир тасвирга олган таомлар номини ўқиб, ёшлингизни, қийинчилик йилларида ўзбек табиғатининг шундай неъматлари билан сизни катта қилган ота-онангиз, яқин қариндошларингизни ёдга оласиз. Сизда бу шеър анчадан буён ухлаб ётган боқира, гўзал ва эзгу туйғуларини уйғотиб юборди. Сиз бу шеърдан кейин ўзингизни бутунлай бошқача сезасиз. Сиз энди, чиндан ҳам, бошқа кишига – кўнглидаги гўборларни қочиб ташлаб, болалик ва ёшлиқнинг покиза чашмасида чўмилган кишига, том маънодаги Инсонга айланиб қоласиз.

Шеърининг кучи, Миртемир шеърининг кучи – шундай.

Миртемир шеърларида тасвирланган ақсар кишилар ана шу қишлоқ аҳлидек бағрикенглиги, меҳридорлиги, меҳнатқашлиги, юртпарварлиги билан ажралиб туради ва улар бамисоли Ўзбекбобо дарахтининг қудратли шоҳларидан ўсиб-тармоқлаб чиққан новдалардаги олма-анорлардек товланиб туради.

Миртемир шундай қишлоқларга ватандош ва замондош бўлганидан ўзини бахтли ҳисоблагани. Унинг шеъринида халқ, миллат ва Ватан тушунчалари бир-бири билан қамбарчас боғлиқ. У Ватан тушунгани, шу тупроқнинг ҳар бир заррасини муқаддас деб билган. У шу тупроқнинг ҳар бир заррасини ота-боболарининг қиндик қони тўқилгани учун таваф ётган.

Бу – мен туғилган тупроқ, бу – мен улғайган тупроқ,

Миртемир вафотидан кейин унинг меросини ўрганиб, тўрт жыллик "Асарлар"ни нашрга тайёрлаш чоғида кўзим шоирнинг ёзув столи устида турган қичкина бир қоғозга тушиб қолди. Унда қуйилган сўзлар ёзилган эди: "Қийналганимизда – ишла. Азоб чекганимизда – ишла. Қўлинг ишта бормаганида ҳам ишла!"

Миртемир бугун уму бўйи хаётининг шу даҳшатли шюрига амал қилиб яшади. Қийналганимизда ҳам, азоб чекганимизда ҳам, қўли ишта бормаганида ҳам ишлаган одам қандай қилиб бундай баланд, юксак, чароғон, илоҳий нури билан йўғрилган сатрларни ёзганимиз?

**Каъбамсан, шеърят, эзгу эҳромин, Оғу ҳам бол тўлиқ бебаҳо жомин. Амалим ва ишким, умиду армон, Уйқусиз тунларим жиндак илҳомим.**

**Керакмас инжу ҳам сенсиз, хақик ҳам, Керакмас шадлоқ ҳам сенсиз, дақик ҳам.**

**Хаёт ҳам мен учун сенсиз беманин, Сенсиз ўтмасинда хатто дақикам.**

Юқорида қуйилган саволга шундай жавоб бериш мумкин: бундай порлоқ сатрларни ёзиш учун шоирга қуч берган нарсаси Шеърятдек буюк мўъжазга, шу мўъжизанинг қадрига етиб, Навоийдек буюк шоирларни яратган халққа бўлган муҳаббат ва садоқатдир.

Наим КАРИМОВ, академик

ШАВКАТ РАҲМОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

*Баъзи кишиларга нисбатан: "Шу одамнинг қандайдир сирли бор, сурони босади", дейишади. Шоирлар орасида ҳам ана шундай сирли шахслар бўлади. Уларга рўпара келганимизда ўзини йиғитиришига, гапларини тарозига солиб сўйлаша-га, хуллас, жиддийроқ кўришига беҳтисёр уринасиз. Бу жиҳат мазкур одамнинг келбати, саҳти-сумбати билангина боғлиқ эмас.*

Хўп, Шавкат Раҳмоннинг сирли, салобати нима эди?

Устоз Шавкат Раҳмонни биринчи марта 1988 йил август ойида Дўрмонда ўтказилган ёш ижодкорлар семинарида кўрганман. Омадим чопиб, у киши раҳбарлик қилган гуруҳга тушиб қолганман. Омадимга бир қувонсам, чингирқидан ўтамани-йўқми деб ўн қайтураман. Семинарда Шавкат ақадан ташқари Омон Матжон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, раҳматли Азим Сунон ва яна кўпгина шеърят юдузулари иштирок эттанди. Ҳозир ном чиқарган тенгдошларимнинг ақсари ўшанда кашф этилган. Айниқса, дўстимиз Гулом Мирзонинг ўйноқи ва ўзига хос латиф шеърлари тоза шов-шув бўлганди.

Ўзимча услубий тақрибалар қилиб, гоҳ Муҳаммад ақаларга, гоҳ япон хойқуларига тақлидан машқ қилиб юрган пайтларим эди. Лекин мен энг оригинал шoir деб, албатта, Шавкат Раҳмонни тан олардим. Очигини айтсам, унинг тугўни баланд, қофиялари чийралган шеърларига ўхшатиб ёзишни хаёлимга келтирмасдим. Шоир сўзларининг кескирлиги, қиррадорлиги, миллийлиги менда ҳавас уйғотгани аниқ.


**Тобора тушларим қизик тус олар, Тобора қисқарар қуш тушларидай. Кўпинча учаман, узоқ учаман Шундоқ теракларининг уч-учларида...**

Шу билан бирга, жасорат балкиб турган руҳи бутун шеър эгасининг гоийибона салобатини ҳам ҳис қилиб турардим.

Қуръа эълон қилиниб, гуруҳлар ажралгақ, бир-дан қўнғилдан Шавкат Раҳмондек улуг шоир менин рамақижон битикларимга қандай муносабат билдирар экан, харҳолда, тақлидимни илғаб қолди. "Сиз, болажон, яхшиси, бошқа юмуш пайида бўлинг, дард ҳам, дармон ҳам йўқ", деворса-чи, деган ҳадик бош қўтарди. Фарғонада қурдошларим билан "энг урфдаги шоир" деб Шавкат Раҳмонни билар, "Уйғоқ тоғлар" китобини ақсаримиз ёш олдандик. Тошкентга йўлга чиқатганимизда кўпчилик қизлар устоздан дастхал олиб келинг, деб китобларидан берворинганди.

Ўша даврда шоирлар бугунги блогерлар вазифасини ҳам ўтаб, турли ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқарди. Ҳозир шеърят қанчалик

ШАВКАТ РАҲМОННИНГ СИРИ



яшаб, тоғта бир бор чиқмаган инсон кечинмалари... бари-бари қанчалар заҳаролуд бадиият билан чиқилган мангу суратлардир...

Семинарнинг ҳар қунида ўнга яқин ёш ижодкорнинг шеърлари таҳлил қилинарди. Менинг ҳам 50-60 та машқларим жамланган қоғозқилд уч кундан бери столнинг устида. Унинг тепасидан жилд олинган сари елкамин юк босади ("Хўқм кутаётган маҳкумман, ҳўқм қутинга маҳкумман"). Ниҳоят навобат етди. Азим жўқа пойида, суви тиник тортган арик лабиди юрагимни ютиб турибман.

Лекин Шавкат Раҳмон ўзига хос соқин, ташқаридан қараганда ҳаяжон бегона овоз билан ёзганларимни таҳлил қилиб, ўзимга ҳам тушунтириб қўйди (Устознинг шарҳлари сўзма-сўз эсимда қолган, аммо ҳозир ёсам, ноқамтарлик қўринади). Гапини "Шу боланинг изланишлари маъқул", деб яқулади. Энди тушунсам, бу – катта шоирнинг ҳавасманд ўкага марҳамати, ўқисанг, излансанг яхши шоир бўлишинг мумкин, деган ишораси экан. Мен кизариб-бўзариб, сўзсиз бош ирғаб туравердим. Сирли босди-да, сурони босди-да устозинг...

Ўзбек шеърини бошқа халқларнинг даҳолари таъсиридан адабиёт тарихи илҳомландари яхши билди. Масалан, ўз вақтида Муҳаммад Фузлий Қўқон адабий муҳитига жуда қучли таъсир ўтказиб, қичқоч қавмига мансуб бўлган ақсар ижодкорлар ҳам мени бон деб, *этмасидим* сўзини *этмасидим* деб овар лаҳжасида ёзишга борган. Замондош Расул Ҳамзат ўз халқини қўқарга кўтариб, тили, туғумлари ҳақида жуда баланд шеърлар ёзди. Ва бу шеърлар собиқ шўро

даврида жуда кенг тарғиб қилинди, чунки бу муносабат ўша давр сиёсатининг бир бўлаги эди. Яъни майда миллатга ҳам бизда бағрикенглик бор, улар ўз тилини, урф-одатини, тилигини бемалол баён этиши мумкин, деган иддао бор эди. Расул оғанинг ўзига хос ижодий жасорати иттифоқ микёсида кенг тарқалиб, қўн қатори бизнинг ижодкорларга ҳам юққан яхши маълум ("Расул шеъри учди кўп йўриқ, Қанотида қумуш диёри") каби дастлабки вариантлар бежиз ярамлаган). Кейин қозок шоири Ўлжас Сулаймоннинг ижоди, изланишлари, туркийлар ва уларнинг тарихи ҳақидаги оммабоқ фохирлари жуда шуҳрат топди.

Ҳар қандай шоирнинг ижодига чуқур тушиб борилса, ўзан қаердан сув олаётганини билиш қийин эмас. Фақат... Шавкат Раҳмон бундан мустасно. У мабодо бошқа манбадан таъсирланган бўлсаям, истеъдоди онқадарким, мавзунини ўзини қилиб халоллаб олган, ўзбекининг дўпписини бошига қийғизиб, шохий қийқ боғлаб юборган.

Ҳар бир шакланган шоирнинг ўз таянч нуқтаси бўлади. Шавкат Раҳмоннинг ўша жон жойи – иймон эди. Истаган шеърни олиб қарайдиган бўлсам, иймон садоларини, Билол айтган азонлар жимирлашини, чангақ вилдон томирлари қийноқларини, таъбиқ қилинаётган эътиқоднинг йиғисини илғаш мумкин.

Шавкат Раҳмоннинг сирли, сурони, салобати ана шунда эди! Мен Шавкат ака билан бирга ишлаб, суҳбатларидан билдимки, бу одам иймонини саломатлиги сабаб ҳаммага ишонар, барчани ўзидек озодақўнғил биларкан. Қараб турсам, Шавкат Раҳмон бизнинг даврга аллақайси покдомон замонлардан адашиб келиб қолгандек қўринарди.

Шоир сўзларни қайрайдими. Шоирни нима қайрайдими? Дардим, қайғуми, фожиями, тухматми? Истеъдодни қайси туйғу тоблайдими ўзи? Инсон табиати хайратланарли даражада мураккаб. Сенин қаринида турган одам аслида бутунлай бошқа қимса бўлиб чиқиши табиий ҳолдек қўринади. Сақсонини йилларда шов-шув қўтарилиб, шингови Фарғонанинг пахта пайқаларига етиб борганди. "Нима дейсан, Шавкат Раҳмоннинг

устидан бир гуруҳ истеъдодсизлар, ғаламислар тухмат, бўҳтонлардан иборат хат ёзибди. Шундай миллатпарвар шоирни ёмон кўрадиғанлар ҳам бор экан-да?" У пайтадги ўсим ақлимиз хали ишонсонни яхши танимаганидан изтиробу танглиқда қолгандик. Кейинроқ Шавкат Раҳмоннинг "Юмалок хат ёзмаз гўзал гиёҳлар" сатри кўп исботини топди. Катта истеъдодлар ҳаминша тепадагиларга ноқулай шахс ҳисобланган. Туркийлар билриги йўлида Чингиз Айтматовга қамарбаста бўлган, Туркистон ассамблеяси қотиби, ўжар шоир Шавкат Раҳмон оқимга халақит бера бошлаганди. Юмалок хат баҳона уни ишисиз қолдиришди.

Шавкат Раҳмонга номинг ўчгур дард ёпишиб, тўшаққа ётқизиб қўйган пайтлар "Дўрмон"даги далаҳовлисига қўн бор йўқлаб бордик. Очиги, бу йўқлаш мен учун жуда оғир кечарди. Қилчидай йиғитнинг қорасиз аҳволини кўриш жуда оғринли эди.

Бир кунни дарвозадан кириб борсам, у киши қаравотда ётар, раҳматли Муҳаммад Раҳмон ва яна бировлар сўрида ўтириб, гурунлашарди. Биз ҳам салом-алиқлашиб, даврга қўшилдик. Тепадаги сўритоқ шаббаси оралиб Шавкат аканинг юзига қўш парчаси тушиб қолди. Муҳаммад Раҳмон "Қаравотини сояга суриб қўйларам", деб бизга қозланди. Бош тарафдан мен, у ёндан яна қимдир қўтарди. Мен салобатли ўша Шавкат Раҳмонни кўтарганиман, деган ҳаёлда қуч билан даст тортибман. Гўё қаравотда ҳеч қим йўқдек, шоир дард чекавериб уқпардай энгил бўлиб қолган экан. Ўшанда ичимада бир нарсаси ўтирилгандек бўлди. Шавкат Раҳмон менинг ўйимдан хабардор, изтиробимдан боҳабар, аммо юз-қўзи хотиржам, нигоҳлари соқин эди.

Кўп ўтмай "Шавкат Раҳмон оламдан ўтди", деган шум хабар юракларни ларзага солди...

Жанозага қўп одам йиғилди... ("Ўзимга бош эгдим қўрққанамданмас, Хурмат қилганимдан бошимни эгдим")

Кейин... қабристондан қайтишда одамлар бир-бирининг қўзига қаролаётгандек туюлди. Ҳамма ўзини нимадилар айбдор деб ҳис қилаётгандек. Балки шундай ақл одамга муносиб миллатдош бўлолмагани, қақриқларига жавоб беролмаганини учун боши ҳам бўлиб, қўзлари қуйи энгандир...

Балки, улуг шоирнинг бизга номаълумлигича қолган сирли ҳаммамизнинг елкамиздан баравар бостандир...

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

ТАДБИР

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Техник тараққиёт кундан-кунга жадал ривожланиб бораётган бизнинг асри- мизда болаларни ҳайратга солиши осон эмас. Шу маънода кичкинтойларга хизмат кўрсатадиган кўғирчоқ театрлари олдига катта вазифалар қўйилмоқда.

Кунни кеча ўз ишнини якунлаган, илк бор онлайн тарзда ўтган Республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий XII кўғирчоқ фестивали бу фикримизнинг далилидир. Уч кун давомида театр мухлислари, барча кизикканлар ютуб, фэйсбук, инстаграм ва телеграмм тар-

дик. Лекин бирорта жамоа фестивални тарк этмади. Аксинча, кўрсатиб ўтилган хатолар тўғрилиниб, қайта видеотасвирга олиниб, тақдим этилди. Онлайн тарздаги фестиваль биринчи бор ўтказилгани сабабли барча имкониятлардан тўла фойдаланилмагани кўзга ташланди. Спектаклларнинг бундай намоиши кутилган натижани бермаслигини иштирокчилар ҳам, биз ҳам сездик. Лекин онлайн намоишнинг афзал жиҳатларидан бири — унинг чегара билмаслиги, исталган жойга кириб бора олишида. Пандемия даврида энг маъқул йўл шу. Фестиваль даврида кўғирчоқ театри ижодкорлари кўнгли пок ва болаларга бегубор инсонлар эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Кейинчалик ҳам онлайн фестивалларни қисман сақлаб қолишнинг фойдали жиҳат-

зимдаги фаолиятлари савиясини аниқлаб олдик. Ҳар кун спектакллар намоиши юза- сиздан мухокамалар ўтказилди. Уларда театр санъати мутахассислари, режиссёрлар, актёрлар ва эркин кузатувчилар ҳам иштирок этиб, фикрлари билан ўртоқлашдилар. Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрининг “Қодирий кулганда” ва Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрининг “Қуш тили” спектакллари менга жуда ҳам маъқул бўлди. Ҳамкасбларимиздан ўрганишимиз мумкин бўлган кўплаб жиҳатларни кўрдим. Шу ўринда Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрига ҳам миннатдорлигини билдирмоқчиман. Театримиз жамоаси томонидан тақдим этилган саҳна асарига берилган юқори баҳо бизни янада катта марралар сари етаклайди.

Тадбир катнашчилари ва мутахассислар таъкидлаганларидек, пандемия шароитида онлайн фестивалнинг кўнглидагиқдек ўтишини таъминлаган Маданият вазирлиги ва тегишли бошқарма ходимларининг хизматини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ўйлаймиз.

Ҳакамлар хулосасига кўра биринчи ўрин Фарғона вилоят кўғирчоқ театрининг “Тойчоқ” ҳамда Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театрининг “Қодирий кулганда” спектакллари берилди.



моқларида фестивалга тақдим этилган спектаклларни томоша қилишди. Улар орасида Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрининг “Маша буви бўғирсоқни қандай пиширди”, “Шер-юррак Бобур” (Анджон), “Сахро Бембийи” (Қорақалпоғистон), “Сехри чашма” (Бухоро), “Тилла туёқли охуча” (Жиззах), “Қодирий кулганда” (Сурхондарё), “Қулоқ, Бурун, Дум” (Самарқанд), “Тойчоқ” (Фарғона), “Қалдирғоч ва Майна” (Хоразм), “Қуш тили” (Қашқадарё) каби ранг-баранг мавзудаги спектакллар бор. Бу томошаларни санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Омонулло Ризаев бошчилигидаги Дилфуза Раҳматуллаева, Ўзбек Абдухалилов, Пулат Айтмуратов каби таниқли олимлар, драматург ва санъатшунослар гуруҳи баҳолаб борди.

— Очиги, фестиваль онлайн тарзда ўтказилаётгани учун бироз хавотир ҳам бор эди, — дейди санъатшунослик фанлари доктори Дилфуза Раҳматуллаева. — Чунки театр жамоавий сезувга йўналган санъат — ёнингизда актёрнинг ҳолатини хис қилиб турсангизгина унда содир бўлаётган воқеаларнинг иштирокчисига айланасиз. Дастлабки матбуот анжумани пайтида баъзи жамоаларнинг спектакллари муносабат билдириб, суратга олиш жараёнидаги камчиликлар кўрсатилиб, қайси театр жамоаси фестивалга катнашишига тайёр эмасмиз деса, иштирок этишдан воз кечиши, мумкин деган тақлифини киритган-

лари бор, деб ўйлайман.

Фестиваль доирасида “Янги давр Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари: кеча, бугун, эртага” деб номланган илмий-амалий анжуман ҳам кизикарли ўтди. Маданият вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиги, санъатшунослик фанлари номзоди Мукаддас Аҳмаджонова кириш сўзи билан очиб берган маъруза тадбирда сўзга чиққан таниқли театршунос олимлар, режиссёрлар, драматурглар фестивал сабоқлари ҳақида, замонавий кўғирчоқ театридаги услубий изланишлар, репертуар масалалари, бу соҳани ривожлантиришда инновацион ҳамкорликнинг афзалликлари ва драматургиянинг улуши, истиқболли режалар борасида жўяли тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Фарғона вилоят кўғирчоқ театри директори Санджон Мирзаев ушбу фестивалнинг аҳамияти ҳақида шундай деди:

— Фестиваль юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди. Ушбу тадбир туяфайли онлайн тарзда ишлашга қай даражада тайёрлигимизни, вилоят театрларининг бу ти-



Иккинчи ўрин “Қуш тили” (Қашқадарё), “Сахро Бембийи” (Қорақалпоғистон) спектакллари, учинчи ўрин эса “Қалдирғоч ва Майна” (Хоразм) ҳамда “Маша буви бўғирсоқни қандай пиширди” (Анджон) номли спектаклларига насб этди.

Шунингдек, Жиззах вилоят кўғирчоқ театрининг бош режиссёри Каромат Исомова, расомчи Закирдин Ёдгоров, актриса Нилора Казаква, устоз Ольга Останина ҳамда айрим спектакллар турли номдаги мукофотларга сазовор бўлди.

Мохинур АХМАДЖОНОВА, театршунос

УМР ИБРАТИ

ВАТАННИ МАДҲ ЭТГАН ШОИР

Юртимизда фахр билан сўз юритса арзийдиган кўплаб таниқли ижодкорлар яшаб ўтишган. Ана шундайлардан бири таниқли шоир Исмоил Тўхтамишев эди. У нафақат Қашқадарё адабий муҳити, балки замонавий ўзбек шеърятинида ўз ўрнига эга бўлган шоир, камтар, фидойий инсон эди.

И.Тўхтамишев фаолиятини ҳозирги “Қашқадарё” газетасида мусаххалликдан бошлаган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида тахсил олган, вилоят маданият бошқармаси бошлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими масъул котиби бўлиб ишлаган. 2010 йили буюк бобокалонимиз Амир Темур номи билан аталган “Соҳибқирон юлдузи” журналида бош муҳаррир сифатида самарали фаолият кўрсатди. Адиб меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги ва ватанпарварлиги билан эл-юртда обрў-эътибор қозонди. Шу билан бирга, ижод завқи, файзли илҳом сурури Исмоил акани умрининг охирига қадар тарк этмади. Фикримизга унинг уч жилдли “Сайланма”, “Бу гулшан саҳнада”, “Боқий умр”, “Еркўрган”, “Сийпантош”, “Безовта қалб” китоблари далилдир.

Шоир юртнинг асл фарзанди сифатида Ватан ҳақида кўпдан-кўп самимий шеърлар битди. Қарши шаҳрининг ўтмиши ва бутунига бағишлаб ёзган шеърлари назм мухлисларининг эътиборини тортиди. Жумладан, шоир куйидаги шеърда қадим шаҳарининг ўтмишидаги доврўти, унинг буюк алломаларини гурур билан эсласа, бугунги кунда янада гуллаб-яшнаётганидан фахру ифтихор туяди:

Насафийлар яратган илм —  
Фанга хисса бўлган муносиб.  
Зиё, нурдир заковат, билим  
Келган олис шонли йўл босиб.  
Ҳикоятлар мавж урар тўлиб,  
Ҳар бир қошин мукаддас, сирли.  
Мен ҳам битта фарзанди бўлиб,  
Иш қилдимми бирор арзирли?!  
Шайдоқирман кўрк, чиройига,  
Мавжларига тўш уриб жўйига,  
Бош урайин ҳар он пойига,  
Поёндозлар меҳримни тўшай.

“Ватан” шеърда Ватаннинг “ватан деб уриб турган юрак зарб-ларидан, садоқатли ёрнинг лабларидан, шоирларнинг гулдан ҳам нозик таъбларидан бошланганини” меҳр ва маҳорат билан мадҳ этади:

Сарҳадлари пурвиқор, юксак,  
Эшик унга эркин келажак,  
Кўксимизда дов ёнган юрак  
Зарбларидан бошланган Ватан.



Қурашлардан олмаган ҳадик,  
Ўлимга ҳам боқа олган тик,  
Шоирларнинг гулдан ҳам нозик  
Таъбларидан бошланар Ватан.

Шоирнинг “Чавандозлар кўшиги” шеърда эса биз қадимий ва бетакорор кўшқари пойғаларини, учқур тулпорларнинг шамолдай елишино чавандозларнинг “ур-хо-ур”ларини кўнглида туямиз:

Учиб борар Бойчибор,  
Шиддати дарёча бор,  
Дунё келар унга тор,  
Урхо-ё, урхо.  
Орзулар дилда қат-қат,  
Чопанга кутмас шафқат.  
Халоллаб олмай факат,  
Урхо-ё, урхо.

“Кўнглидан жой бердим” номли шеър гарчи азалий ва абдий муҳаббат мавзусида бўлса-да, ундаги ташбеҳлар ва топилмалар бу мавзунинг мутлақо янги қирраларини очиб бера олган. Мана бу мисралар фикримизнинг тасдиғидир:

Кўнглидан жой бердим, энди, кет, дема,  
Сув ўгириб ичгайдирман бошимдан.  
Бўлар-бўлмас ёниб, қуйсам ғам ема,  
Ёғду олгум нур эмган қуёшнингдан.

Қофия, вази ва туроклари жойида бўлган, хатто бир қадар маъноли шеърлар ҳам шеър бўлавермайди. Юракдан чиққан мисраларгина юракка етиб боради. Исмоил Тўхтамишев бисотида чин юракдан ёзилган мисралар жуда кўп. Шу бондан бўлса керак, айни кунда шоирнинг элликлан зиёд шеърлари юртимизнинг таниқли санъаткорлари томонидан севиб қуйлиниб, элимизга манзур бўлмоқда. И.Тўхтамишевнинг юртимиз тарихини ниҳоятда пухта билганига, энг асосийси, бу тарихни ўта эъзозлаганига гувоҳ бўлганмиз. Таниқли адибнинг тарихий мавзудаги “Еркўрган” достони, “Сийпантош”, “Оқсарой” каби сермазмун асарлари ҳам бу фикримизни тўла-тўқис исботлайди.

Исмоил Тўхтамишев турмуш ўртоғи Соня опа билан ахил ва мустаҳкам оила қуриб, уч ўғил ва бир қизни воёга етказишди. Му-борак ҳадисларда таъкидланганидек, “Қишларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир”. Ана шундай инсон — толас ижодкор Исмоил Тўхтамишев умрининг охиригача элим деб, юртим деб ёниб яшади ва она Ватанни мадҳ этди.

Очил БҮРИЕВ,  
Қарши давлат университети профессори,  
Ғулом АБДИЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ОЛДИДАН

Бухоро мақомларининг юзага келиши ва тадрижида XVI асрда кечган ижтимоий-ма-данний воқеалар алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, бу даврга келиб Амир Соҳибқир-он ва Темурийлар саройида қарор топанг Ун икки мақом назарий-амалий тизими, гарчанд мамлакат бошқарувида янги сулола — Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатил-ган бўлса-да, инқор этилмаган, балки Бухородаги асрий мумтоз мусиқий анъаналар бил-лан уйғун ҳолда ривожлантирилган. Маъмур ижодий жараёнинг самарали кечишида ҳукмдор Убайдуллахон (Убайдулла Султон, тўлиқ исми — Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳ-одирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абулхайрхон, 1486—1540) то-монидан яратиб берилган шарт-шароитларнинг аҳамияти катта бўлди. У ҳукмронлик қилган йиллари (1533 — 1539) пойтахт мақомини олган ва ижтимоий-маънавий ҳаёти анчайин юксалган Бухоройи шарифга турли маданий масканлардан кўплаб олим уфуза-ло, адибу шоир, ҳунарманду меймор, мусаввиру ҳаттот ва бошқа санъат аҳли қато-рида таниқли мусиқа устозларининг ҳам қучли оқими кузатилади. Жумладан, машҳур мақомдон, устоз ҳофиз Аҳий Гаравий Ҳиротдан келган бўлиб, унинг даврасида Хўжа Ҳамза Тошкандий, Хўжа Бобо Чангий, Дарвиш Маҳмудий Андижоний, Ҳофизи Уш-шоқий каби турли мусиқа мактабларининг намоёндалари уюшган эди.

КАВКАБИЙНИНГ МАҚОМ ТАЪЛИМОТИ

Саккизинчи мақола

Назаримизда, Убайдуллахон Самарқанд ва Ҳирот саройларида раванк топанг Ун икки мақом илмий-ижодий анъаналарини саройга муносиб жорий этишни кўзлаган ҳамда бу мураккаб ва масъулиятли ишни амалга оширишда Нажмиддин Кавкабий Бухорий (тахминан 1472—1533) салоҳи-ятига таяниб оқилона йўл тутган. Чунки бу ном-зод ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ эди: бирин-чидан, Нажмиддин Кавкабий ўзи туғилиб ўсган юртнинг мусиқий кадрларини теран билган; иккинчидан эса, у йигитлик чоғида Ҳиротда бў-либ, мақом устозларидан таълим муносиб олган ва адвор (мақом илми) илмини мукаммал ўзлаштир-ган. Қолаверса, мусиқачилар орасида унинг ну-фузи ҳам баланд бўлган. Хасанхожа Нисорийнинг “Музаққири аҳоб” («Дўстлар ёдномаси») номли тазкирасида баён этилган тавсифга кўра, Кавка-бий “Мусиқа фани етуклигида жуда зўр ва таълиф, таснифда машҳурдир”. Бинобарин, Нажмиддин Кавкабий мусиқа ижодкорлиги жаҳасида ҳам ба-ракали меҳнат қилиб, амал, нақш, қавл, савт, нақш ва пешравларни тасниф этган истеъдодли баста-кор ҳам эди. Ҳасан Кавкабий, Муҳаммад Кавка-бий ва Ризо Самарқандий унга муносиб шоғирд мақомида етук санъаткор бўлиб етишган. Дарвиш Али Чангий ҳам мусиқага оид рисоласида Мавло-нонинг истеъдодини юксак баҳолайди.

Хуллас, Бухоро хонининг топшириғи ва хо-мийлигида Нажмиддин Кавкабий машҳур “Ри-солаи мусиқий” илмий асарини форсийда битган эди. Ун икки бошланг иборат ушбу рисолада му-сика илми, мусиқа атамаси, нағма, бўёд (интер-вал), 12 мақом (парда), 6 овоза, 24 шўба, 24 му-раккабот, накр, усул ва куй (алхон) турлари каби масалалар мувоҳааса қилинади. Мухими шундаки, Кавкабий салафлари рисолаларида баён қилинган Ун икки мақом тузилмаларини шунчаки тақро-рламаган ҳолда, ўз даври ижтимоий-мусиқий та-факкурида содир бўлаётган муайян сифат ўзга-ришларининг ҳам илмий инъикосига эришганди. Бунда овоза ва шўба гуруҳлари анъанадагидек алоҳида товушқаторлар уюшмаси тарзида тасниф этилмасдан, балки марказлашган тизим негизида бевосита мақомларнинг таркибий пардалари асо-сида уйғун ҳолга кела бошлайди. Инчунин, Кав-кабий 12 мақом ва 24 шўба парда гуруҳларининг ўзаро уюшши нисбатларини давр талаби ўларок қайта кўриб чиқарган, бу борада туб ислохотлар-ни амалга оширади. Шунга кўра, ҳар бир мақомга иккитадан шўба сингдирилган (бириктирилган) бўлиб, уларнинг бири мақомнинг куйи қисмидан, иккинчиси эса мақомнинг юқори қисмидан хо-сил этилган. Масалан, Дутхо шўбаси Хусайний мақомининг куйи (паст, нарми) қисмига, Му-хайяр шўбаси эса унинг юқори (баланди, тези) қисмига бириктирилган, бошқа шўбалар ҳам мақомларга шу тарика бевосита боғланган эди. Пировардида, Ун икки мақом назарий-амалий ти-зим тадрижида янги услубга асос солинган. Бу ҳол бизгача мерос бўлиб етиб келган мақомлар-нинг шаклланишида муҳим пойдевор бўлган.

Мавлоно Кавкабий мақомларнинг коинотта боғлиқлиги масаласида ҳам таҳсинга сазовор ил-мий ишларни амалга оширган. Маълумки, коинот-даги самовий jismlарнинг ҳаракати ва уларнинг кишилар ҳаётига боғлиқлиги масаласи инсоният-нинг узок даврлардан буён қизиқтириб келади. Бу борада улғу аждодимизнинг мақомшуносликдаги буюк хизматларидан яна бири шундаки, у замона-сининг машҳур 12 мақомини куёш буржлари — 12 юлдуз туркумларига қиёслаб тадқиқ этган ҳолда, уларга қуйидаги нисбатда илмий тартиб-беришга муваффақ бўлган: 1. Ҳамал—Роҳавий; 2. Савр—Зангула; 3. Жавзо—Бузург; 4. Саратон—Ху-сайний; 5. Асад—Ушшук; 6. Сунбула—Қучак; 7. Мезон—Рост; 8. Акраб—Ҳижоз; 9. Қавс—Ирок; 10. Жадий—Бусалик; 11. Давл—Наво; 12. Хут—Исфохон (Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи му-сика. Рисола дар баёни Дувоздахмаком. Душан-бе, 1985).

Шунингдек, ўзининг мунажжимлик илмий ма-лакаси ва истеъдодидан мусиқа борасида самара-ли фойдаланган Нажмиддин Кавкабий мақомлар-ни куннинг қайси вақтида ижро этилиши мақсадга мувофиқлиги ҳам ойдинлик қиритган. Бунда, масалан, тонг отиши билан Роҳавий мақомини ижро этиш, куёш чиққан маҳал Ушшукни садо-лантириш, чошгоҳга қадар эса Рост мақомини ча-либ, чошгоҳга Ирок мақомига ўтиш лозимлиги ҳақида тавсиялар берган.

Бухоро хони Убайдуллахон Кавкабийнинг мақом илми ва амалиётида эришган юксак нати-жаларидан кўп мутаассир бўлган қўринади. Ас-лида, бу икки улғу шахс руҳиятида ўзаро яқин-лик ҳам бор эди. Инчунин, Убайдуллахон шахси

бир қатор фазилатлари, жумладан, диди ўткир ва нозиклиги, табиатан мусиқа ва шеърятга мо-йиллиги, “Убайдий”, “Қул Убайдий” тахаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида ижод эт-ган кўплаб бадиий етук назмий асарлари билан ҳам эътиборлидир. Бу каби фазилатлар бора-борада Нажмиддин Кавкабий ана мусиқа илми ва унинг таркибий қисми бўлган мунажжимликда ҳам юксак даражага эришган эди. Бундан ташка-ри, Убайдуллахон ва Кавкабийни руҳан боғловчи янада яқин ришталар ҳам борки, буни мухтасар қилиб тасаввуф олами, дейиш мумкин. Жумла-дан, нақшбандия тарикатида камолот касб этган Нажмиддин Кавкабий ижодида, назмий-илмий асарларида илгари сурилган сўфийна ёғлар, энг аввало, Убайдуллахонга йўлланган қўринади. Чунончи, унинг рисоласида битилган қуйида-ги ибора мазмунини сулуқдаги сирдошигина те-ран англаши мумкин: “Мусиқа нағмалари барча нағмалар ичда Оллоҳ Таоло сир-асоридан бир сир-синоатдир”.

Бу ибора мазмунини англаш қуввати тасаввуф тарикатларига оид одоб-ахлоқ сабоқларини Мавлоно Муҳаммад Қозим, Маҳдуми Ўзбек каби улғу пирилардан олган Убайдуллахонда бўлгани шўба туғдирмайди. Мусиқа илми ва амалиётида эса Убайдуллахон Султон Мавлонога эршган бўл-са ҳам ажаб эмас. Ҳар ҳолда мутахассислар ора-сида шундай таҳминлар бор. Бунга билвосита далил сифатида Хожа Нисорийнинг зикр этилган тазкирасидан бир лавҳа келтирамиз: “Барча сул-тонлар Ҳирот ҳокиминини ораву қилишларига қарамасдан, бу хоннинг (яъни Убайдуллахоннинг — О.А.) ҳумокон таъби яширинча бошқа бир орзу билан Исфохон ва Ирок томонини кўзларди, гўё мақсади шу эдиким, муаллифини йўқ қилиб, Зангу-ла (кўнғирок)ни талаб туясига боғлаб, Рост йўлдан Ҳижоз оҳангини қилиб, Кичик ва Катта Хусайний мақомида Ушшук (ошиқлар) кўнглига Наво ет-казиб, Қавба муаззама ва Мадинаи муқаррама — Оллоҳ шарафи бу жойлар таъзим ва тақримига йўналсин — таовфига мушарраф бўлмоқчи эди. Чу-нончи, унинг бу шариф байти ўша маънони англа-тиб турибди. Байт:

Чи гуна дил нақашад жониби Ирок маро,  
Бадин сабаб, ки ба сўи Ҳижозам оҳанг аст.  
(Мазмуни: Дилим нега мени Ирок томон етак-ламасин, Сабаби Ҳижоз тарафга оҳанг (юриш) этиш ниятим бор). Ушбу сатрлар Нажмиддин Кавкабийнинг тасаввуф ҳикмати сингдирган “Қул-лийет” номли илмий-ижодий асари мазмунига ха-моҳандир. Мисол учун ушбу “Қуллийет”дан бош-ланғич парчани келтирамиз:

Зи роҳи “Рост” агар оҳанг мекуни ба “Ҳижоз”,  
Зи “Исфохон” гузаре жониби “Ирок” андоз.  
Ба нока “Зангула” дар пардан “Раҳовий” банд,  
Ба “Бусалик” “Хусайний” — сифат барор овоз.  
Машав “Бузург” зи роҳи ниёз “Қучак” бош,  
Дар он мақом ба “Ушшук” у бе “Наво” пардоз.  
(Мазмуни: Агар тўғри йўл(Рост)дан Ҳижоз томон (ҳажга) бормоқ истасанг, Ирок томон йўл тутиб, Исфохондан ҳам ўтти. Туяга кўнғирок (Зангула) осину уни йўл (Раҳовий) манзилларига банд эт. Бусалик оҳангини Хусайнийдек юксалтир ва қалбинини Ушшуклар каби бе Наво пардозлаб, Катта (олам — Бузург) ила Кичик (олам — Қучак)ни уйғун этти).

Қиёс этилган ушбу намуналардан аёнки, улар-да Ҳаж сафари ила йўлрилан руҳий юксалиш гоё-си 12 мақом номлари ила ботиний ифодаланмоқда.

Бинобарин, Ун икки мақом тизимининг Бу-хоро саройида сайқал топиб, келгусида янги чўққилар сари юксалишида олийҳиммат ҳукм-дор Убайдуллахоннинг санъат аҳлига қўрсатган меҳрибонлиги ва моддий-маънавий рағбатлари, шунингдек, бу шароитда руҳий парвозга мушар-раф бўлиб, илму ижоди билан мусиқада кичик ва катта олавлар уйғунлашуви асрорини рисолага битган устоз Мавлоно Нажмиддин Кавкабийнинг буюк хизматлари алоҳида эъзоз ва оқлишларга сазовордир. Шу аснода Ун икки мақом назарий-амалий тизим ривожига янги давр бошланган эдик, унинг самарали натижаларидан бири ўла-рок XVIII аср ўрталарига келиб Бухоро саройида салобатли Шапшамаком туркуми шаклланди. Қола-верса, Мавлоно Нажмиддин Кавкабий дахоси ила амалга ошган ислохотларнинг ижобий натижалари Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг юзага келишида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Демак, алломанинг мусиқага доир ил-мий асарлари мумтоз мақомлар тарихи, фалсафа-си ва назариясини ўрганишда бениҳоя қимматли ва кадрли манбадир.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ

Уста Очил ҲАЗРАТ



Овозлар чўмилар ёмғир атрига. Минг ифор Гўёки соллар шомда, Ажралиб қолади Ҳаё тўсиқдан, Бу куйини англолмай Эзилади жон. Қакраган тупроқда Ёмғир қоқилар, Қалб идрок этмайди Синади товуш, Бир парда юкори Наридан бери, Мусика рангини Топмайди бўстон. Ифор нозланади Сепиб мусика, Инграниб,

ЖОННИМ, ЖОНСАН ЮРАККА ЧЎККАН

Жон берар Ойда бир шуъла, Чирс синар, Томчининг юзи ойнада Қалбингга муҳрлаб Куйининг шаклини.

Сезилади хаво титроғи, Парчалайди дил карогини, Қарғиш урган овоз охида, Очилади юрак чаноғи.

Ловулайди уятдан окшом, Ойнинг гуноҳлари тўкилар, Япроқларнинг маънос эгнинга Сабо каби дарди юкинар.

Шом кўнади дудокларига, Мўралайди қаро кундузлар Тушиб сойнинг этакларига, Покланади митти юлдузлар.

Жоним, Жонсан юракка чўккан. Куткармоқлик, Минг маломатдир.

Жоним, Жондан кечмоқ абадий, Башорат эмасдир борлигинг,

Йўқлигингга ишонмай кўйдим.

Жонсан, Жоним отилиб чиккан, Ёришмайин хонақоҳларим, Мен дунёни танимай кўйдим.

Юксалади каландар мисол, Тафаккуринг теграларида, Ёзилмаган олтин байт бўлиб.

Жоним, Жонсан мени кутқариб Ва ўзини оташда ёккан, Шерда олов бўлиб кўриндинг.

Эгатларда қарийди кузак, Жўяларга энгашар меҳнат, Япроқ кўнар хаёл шохига, Кезинади кузги муҳаббат.

Дудоғида ўрмалар мезон, Аср тушган гўзаповлар, Сочларига хазон боғлайди, Тол тағида хоргин соялар.

Тракторлар бақирмай кўйган, Хирмонларни булут ямлайди, Далаларнинг этни хурпайган, Соғинчини қишга ғамлайди.

Эгатларда қарийди кузак, Жўяларга энгашар меҳнат,

Япроқ кўнар хаёл шохига, Кезинади кузги муҳаббат.

Иродамга тамғалиб не чоғ, Хаёл билан шамол ўйнайди. Олиб қочар шамол хаёлини, Шамол хаё билан ўйнайди.

Номсиз ҳислар сепини ёяр, Мактанади шамол қоқилиб. Чексизликка қочади хаёл, Орзулари нурдек буқилиб.

Гавхаримга санчилик бари, Ботинимга ботиб боради. Изларимда қолган ишк каби, Хаёл шамол бўлиб оқади.

Яйлов, Кўёшли қун, Далаларнинг қуриган этни, Товонлари тупроқда куйган Мезон қувлаб чарчаттар елни.

Рўмоли йўқ бепеёнликлар, Ловилайди бугдойнинг юзи, Истараси исик гулларни Пайхон этар гармисел изи.

Хазон хиди ачитар шуурни, Нураверар сабр кундаси, Қовжираган умидни эзар, Пахтазорда кузак шодаси.

Ғамчирогин ёқади меҳнат, Пуч сабрга тўлади овлоқ, Фириб берар имконсизликка, Кеч баҳорда гуллаган янтоқ.

Сездингми? Сукуват ичра Янграётган мусикаларни, Овоз бер, Чакир, Париларнинг тилида чакир. Бу охангни эшитиб ўсан, Майсаларга келар хавасим. Эшит... Яралишдек мусикаларни, Жимжитликнинг шивирларида.

Сайр этамиз Шамол иккимиз, Сочларингда ранглар жилоси, Айланади атрофимизда Шаббодалар сўнгсиз садоси. Шодлик тўла, манзарага боқ, Ором олар Сўқмоқларда йўл, Нур тергани чиккан туйгулар Ёноғида гунчалар нақши. Сакраб юрар ой шуълари, Гоҳ лабинда, гоҳ юзларида Тугилади сарбаст ашорлар, Гоҳ изинида, гоҳ кўзларинида.

“ОШИН” ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

“Ошин” – япон аёлининг машаққатли ҳаёти ҳақидаги бадий тўқима, лекин реал тарихий воқеаларга асосланган драматир. Бадий тўқима бўлишига қарамай, сериалнинг бош қаҳрамони образи нафақат Япония, балки бутун дунё халқлари орасида катта эътибор қозонди. Ошин бошидан кечирган ҳаётини воқеа-ходисалар шу қалар зўр таъсир қилган эга бўлдики, у эътибор хос ноёб ҳодиса, ижтимоий феномен ҳосил қилиб, бутун дунё томошабинини ғам ёққичга, ҳам қулиб, ҳам йиғлашга мажбур қилди. Дастлаб драма “Эн-Эйч-Кей” (Япон теле-радиокурсау корпорацияси) телеканалда 1983 йил бутун йил давомида кўрсатилди ва шундан сўнг бир неча ўн йилликлар мобайнида 68дан зиёд давлатда қайта-қай-



та намоийш этилди. Хўш, бу асарнинг дунё томошабинларига бу қалар ёқиб қолгани сабаби нимада? Шу ўринда сериал воқеаларига қисқача тўхталамиз. Драманинг илк намоийши Иккинчи жаҳон урушидан салкам 40 йил ўтгач ҳамда 1965 йилги Токиода Олимпия ўйинларидан кейинги даврга тўғри келади. Бу пайтда Япония иктисодиёти ривожланган улкан давлат, катта еттилик аъзоси сифатида халқаро ҳамжамиятда қучли салмоққа эга бўлган. Бу яна шундай давр эдики, ҳаётдан зерикиб, яшайдан бешиш ва тўқликка шўхлик авжига чиқиб, ватанимиз ўтмишида бошидан кечирган кашшоқлик, етишмовчиликлар унутула бошланган эди. Айниқса, ёш авлод томонидан. Шундай бир ижтимоий шароитда намоийш этилган сериалнинг бош қаҳрамони Шин Танакура (Ошин) 1901 йили Япониянинг шимолий-шарқий ҳудудидаги

БУТУН ИНСОН ҚИЁФАСИ

совуқ ва камбағал-юпун кишлоқда ижарачи дехкон оиласида туғилди. Бу даврда Япония ғарб давлатларига етиб олиш ва ўз миллий қудратини қучайтириш мақсадида бор диккат-эътиборини ҳарбий соҳага қаратган эди. Ҳарбий соҳадаги жадал тараққиёт жамиятда турли инкирозлар авж олишига сабаб бўлди. Ошин каби камбағал-қашшоқ одамларнинг қун кўриши ғоят оғирлашди. Етти ёшида оиладаги кашшоқлик туфайли битта сар оғиздан қутилиш ва пул топиш илмида ёш бошларга қарайдиган энага сифатида бошқа, беғона жойга юборилган Ошин урушдаги мағлубият, ундан кейинги қайта тикланиш, эркин фуқаролик жамияти учун кураш ҳаракати, буюк Канто элизилиси, милитаризмнинг авж олиши ва Хитой ҳудудига бостириб кириш, япон-америка-хитой уруши каби воқеалар фониде яшайди. Драма 80 ёшли Ошиннинг ўз ҳаёти ҳақидаги хотиралари, уларнинг тасвир ва тавсифидан иборат.

Ошин фаросатли ва оқил, аммо у яшаган замон аёллар учун жуда оғир бўлиб, синфий ва жинсий тенгсизлик авжиде, турмушда патриархал тизим ҳукмрон эди. Лекин бундай тўсиқларга қарамай, кашшоқлик сабаб бошлангич мактабга бора олмаган Ошин меҳнатсеварлиги ва одоби билан ўзи хизмат қилган хонадон соҳибларига ёқиб қолгани туфайли ўқиш, ёзиш ҳамда ҳисоб-ки-тобни ўрганиб олади. Бунинг устига ўша замондаги маърифатли япон аёли билиши зарур бўлган хусниҳат, икебана (гул дасталаш санъати), чой маросими, кимано тикиш уқувини ҳам эгаллайди. Ошиннинг оилапарварлиги, она-ватанига муҳаббати, ўзига яхшилик қилганларга, дўстларига чексиз садоқати атрофдагиларга ҳам юқиб, уларини ҳам шундай олижаноб ишларга ундайди. Ошин атрофида деярли ҳамма вақт яхши одамлар керагича топилади. У оҳанрабо каби ўз атрофида яхши одамларни тўплайди.

Юқориде айтилганидек, Ошин жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечиради. Даҳшатли зилзила оқибатида бутун мол-мулкидан ажралади, қайнона зугуми туфайли ўнг қўли шикастланади, эри эса Иккинчи жаҳон урушида Япония мағлубиятига чидай олмай жонига қасд қилади. Шунча қулфатга қарамай Ошин ҳеч қачон умидсизликка тушмайди. Ҳатто уйдан қувлиб, оч қолган, қариндошларини соғиниб азоб чеккан пайтларда ҳам чексиз ҳаётсе-

варлиги, қолаверса, дўстлари ва муруватпеша одамлар ёрдамида ҳар сафар қийинчиликларини енгити ўтади ҳамда чин инсон бўлиш жараёнининг барча босқичларини босиб ўтиб, ҳар қандай шароитда ҳам яшаб қолиш ва яшай олиш лаёқатини намоийш этади. Драмдан сиз ҳар қандай оғир аҳволга тушманг, агар атрофдагилар билан ҳақиқий инсоний муносабатни ўрната ол-



сангиз, пировард натижада, ўзингизга, оилангизга яхшилик қилган бўласиз, деган эзу ғоя қизил ип бўлиб ўтади. Ошин номидаги “шин” бўғини япон тилида “қучли асос”, “ҳақиқатгўй” ва “садоқат” маъноларини аниқлашчи иероглифга тўғри келади. Ҳозирги японлар унутиниша чоғланган ушбу қадриятларни ҳаётини ақилдасига айлантирар экан, Ошин нима қилиб бўлса-да, кашшоқликдан қутилишга қасам ичиди, ҳар гал қаршидаги говни енгитиб ўтар экан, бу борада қилмаган иши, шуғулланмаган касби қолмайди. Соч турмақлайдиган сартарош бўладими, кўчада олди-сотди билан шуғуллангани, болалар қийини тикадиган қичқаб фабрика очадими, балик сотадиган дўкон ёки катта супермаркетга эгаллик қилгани, ҳамма ўз даврдан илгарини кетиб, бош ҳаётини шиори – ҳар қандай шароитда ҳам миқдорларга ҳурмат, уларнинг талаб-оҳтиёжини қондиришга содлик қолади. Шу тарихи Ошин менежер сифатида катта обрў-эътибор қозонади.

Ошиннинг покиза ҳаёт тарзи миллатидан қатъи назар барча одамларга ёқади, шундай гўзал фазилатларга эга бўлган япон аёли тақдирини барча томошабинларнинг қалб торларини чертиб ўтади. Ўз кечмиш ҳаёти ҳақида сўзлаб бераётган, ҳаёти давомида зарра кўрқоқлик ва нопоклик қилмай, ўзини аямасдан тинмай меҳнат қилган ва бунда ҳеч қачон ўзига яхшилик қилган одамлар олдидаги маънавий қарзини эсдан чиқармаган пок аёл образи одам-

лар қалбиде муҳаббат ва хайрихоҳлик туйғуларини уйғотиши муқаррардир.

Бинобарин, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, “Ошин” сериалида тасвирга туширилган воқеалар, олға сурилган ғоялар, алқалган қадриятлар нафақат японлар, балки бутун дунё халқлари учун ҳам сеvimли ва долзарбдир. Ўзбекистонда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Оилага, ота-онага ҳурмат, ўз халқи ва яшаб турган шаҳар – маконга муҳаббат, дўст ва яқинларига ғамхўрлик каби азалий қадриятлар Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун ҳам ҳосил. Ошиннинг ҳаётини аъмоли, ахлоқ-одобини, чин садоқатини ўзбек халқининг энг нозик ҳис-туйғуларига ҳамма ҳам уйлайди. Ўн йил ўтгандан кейин қайта намоийш этилган “Ошин” сериали, аввал бўлгани каби, бутун ҳам мамлакатингизда жуда яхши қабул қилинган ўзининг яқол иботини топмоқда ва биз бундан жуда хурсандимиз.

Муболағасиз айтиш мумкинки, “Ошин” сериали шарофати билан стратегик ҳамкорлик мамлакат халқлари яна бир бор қалбни муштахкам боғландилар. Натижада мамлакатларимиз ва халқларимиз орасидаги яқинлик янада қучайди, деб ўйлаймиз. Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар шароитида ҳар қандай офат ва фалокатларга қарши тура олган Ошин Танакура каби гўзал инсон тарихи иккитомонлама алоқаларимизга самарали таъсир кўрсатади, деб умид қиламиз. Япониянинг Ўзбекистонда-



ти элчиноҳаси бундан кейин ҳам Ўзбекистонликларни Япониянинг ағнаваний маданияти ва гўзал қадриятлари билан муттасил таништириб боришни ўзининг муҳим, шарафли миссияси, деб ҳисоблайди.

Суда АЦУШИ, Япониянинг Ўзбекистондаги элчиноҳасининг маданият ва ахборот бўйича масъул ходими

ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллигига бағишлаб композиторлар ўртасида “Юртим — гурурим, фаҳрим” шиори остида болалар учун энг яхши чолгу асарлари республика танловини эълон қилади. Танлов жорий йилнинг 17 декабрида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида ўтказилади. Ҳолбики 25 декабрда эълон қилинади, пул муқофотлари ва махус совғалар билан тақдирланади.

Танловда композиторлар ўзларининг ўзбек халқ чолғулари (дуртор, қашқар рубоб, афгон рубоби, гижжак, най, қўшнай, сурнай, доира, чанг, қонуи, баян — аккордеон) ва Европа чолғулари (флейта, гобой, кларнет, саксофон, фагот, валторна, труба, тромбон, туба, скрипка, альт, виолончель, контрабас, гитара, ксилофон, барабан, литавра) учун яратган мусика ва санъат мактаблари ҳамда интернетларнинг ўқувчилари ижроси учун мўлажалланган янги асарлари билан қатнашишлари мумкин. Иштирок этиш истағида бўлган номзодлар 2020 йил 1 декабрда қалар Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасига қуйидаги ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этишлари лозим:

- 1. Яратган асар нота материали (Mp3 va Sibelius 6 форматиде);
2. Номзоднинг электрон рангли фотосурати;
3. Номзоднинг паспорт нусхаси;
4. Номзоднинг маълумотномаси;
5. Сўров варақаси (илова).
Маълумот учун телефон: 71 233-20-28.
e-mail: skompozitorov@yandex.ru. Вебсайт: www.commus.uz
телеграмм канал: @unionofcomposers

“REGIONLARARO MULK MARKAZI” МЧК “Poytaxt filiali”да бошлангич баҳоси ошаиб бориш тартибиде ўтказилмадиган очик аукцион савдосига тақлиф ўтади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тарққиёт жамғармасининг 2020 йил 7 сентябрдаги УМ-05/08-536-сонли буюртмасига асосан, Тошкент шаҳар, Амир Темури кўчаси, 101-уй манзилида сакланаётган “Эпика” русумли 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 037 WGA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 56 344 500 сўм.
Аукцион савдоси 2020 йил 12 октябрь кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2020 йил 9 октябрь кунин соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).
Юқоридеги автотранспорт 2020 йил 12 октябрь кунин сотиламан тақдирда, тақрорий савдо 2020 йил 26 октябрь кунин соат 11:00 да ўтказилади. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунин олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Савдо ғолибига 5 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабгорлар мўл бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ХАТБ “Давр Банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 22604000505265882001, МФО: 01121, ИНН: 307638956.
Аукцион савдо ўтказилмадиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (99) 525-54-04. Гувоҳнома: 880847.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган артист
Фатхулла МАЪСУДОВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдилади.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Хамқоримиз: akfa

Тасхириятга келган қўлёзмалар таҳсил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри тасхирият нуктаи назариде фарқлангани мумкин.
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигиде томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Алали - 5033. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Навр кўрсаткичи - 222.
Ташкilotлар учун - 223. 1 2 3 : 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41-уй.
Боснига топшириш вақти - 21.00.
Боснига топшириш - 20.45.
ISSN 2338-634X
7 72 3 6 1 3 4 0 0 0